Тадбиркорлик ривожи учун молиявий имтиёзлар

(9-бетда ўқинг).

Аудит натижалари:
ДТ Халқ банки, «Трастбанк» ХАББ, «Туронбанк» АТБ.....2-3,5

Темир йўл соҳасининг ривожи.....10

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

Банк ходимлари, ишбилармонлар ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси ISSN 2010-6602

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда № 21 (992), 2015 йил 14 май www.banknews.uz

Кадрлар банк истиқболини белгилайди

Узоқ муддатли кадрлар захирасини ривожлантириш банк стратегиясини муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим жиҳатидир. Шу боис, мазкур соҳада кадрлар сиёсати йил сайин такомиллаштирилмоқда.

Қолаверса, рақобат муҳити айнан жамоани корпоратив бошқариш тузилмаси зиммасига катта масъулият юклаб, бу ҳатто, ҳар бир тижорат банкидан ўз ички меъёрларини ишлаб чиқишини тақозо этмоқда. Жумладан, «Ипак йўли» акциядорлик инновация тижорат банки тизимида ҳам бугун ходимлар бошқарувининг ўзига хос тамойиллари мавжуд. Бу ҳақда муассасанинг Ходимлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Камолхон АЗИЗОВ сўзлаб берди.

– Банкимизда ходимлар билан муносабат узоқ муддатли ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган. Бунда томонлар (банк бошқаруви ҳамда жамоа)нинг мақсади якдил фикрга йўналтирилган бўлиб, у ўз ичига ҳам интеллектуал билим, ҳам тажриба, ҳам ижтимоий ҳимоя масалаларини қамраб олади. Яъни, «Ипак йўли» банкида ходимларнинг касбий билим ва малакасини ошириши учун барча шарт-шароит яратилган, хизмат ва мансаб поғоналари бўйича ўсишни таъминлаш борасида яхлит мураббийлик тизими йўлга қўйилган, уларнинг фаолияти давомидаги ташаббус ва интилишларини рағбатлантириш, хусусан, профессионал савиясини ҳисобга олган ҳолда рақобатбардош ҳақ тўлаш таъминланган.

Шунингдек, «Ипак йўли» банкида кадрлар сиёсати бир неча йилдан буён амал қилиб келинаётган анъанавий тамойилларга таяниб юритилади.

(Давоми 4-бетда).

Тадбиркорнинг ишончли ҳамкори

Мамлакатимизда замонавий технологияларни жалб этиш орқали экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш истагидаги тадбиркорлар учун бизнесни юритиш бўйича бир қатор имтиёзлар яратилди.

Жумладан, юқори технологик ускуналарни сотиб олиш учун кичик бизнес субъектларини кредитлаш механизми соддалаштирилди. Яъни, уларнинг кредит учун ёзган аризаларини кўриб чиқиш муддати уч банк иш кунидан ошмаслиги белгиланди. Банк ҳисобварағини очиш, бюджетга уларнинг ҳисобварақларидан солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда банк хизматлари учун тўлов ундириш ва нотариал тасдиқланган имзолар намунаси олиш бекор қилинди. Ҳисобварақларга электрон кўринишда хизматлар кўрсатиш учун олинадиган тўлов миқдори 20 фоизга қисқартирилиб, банк-молия соҳасида 8 турдаги рухсат бериш тамойиллари бекор қилинди.

Тегишли лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва уни ишлаб чиқишни молиялаштириш йўли орқали кичик бизнес субъектларининг кредит ресурсларидан фойдаланишларини енгиллаштириш чоралари кўрилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 2011 йили Ўзбекистон банклари уюшмаси ҳузурида ташкил этилган Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш жамғармаси бунда фаол иштирок этмоқда.

Мазкур жамғарма иқтисодиётнинг устувор йўналишларидаги инвестиция лойиҳалари бўйича ғоялар танловини ўтказиш, уларнинг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш ҳамда тижорат банкларининг маблағларини жалб этишда ишбилармонларга кўмаклашмоқда.

(Давоми 7-бетда).

Нефть-газ ва энергетика равнақи сари

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида «Ўзбекистон нефть ва гази – OGU-2015» XIX ҳамда «Энергетика – Power Uzbekistan-2015» X халқаро кўргазмалари бўлиб ўтди.

Мазкур кўргазмалар ҳар йилгидек Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси ҳамда қатор давлат ва жамоат идоралари расмий қўллаб-қувватлаши остида ITE Uzbekistan халқаро кўргазмалар компанияси ва унинг ҳамкори – ITE компаниялари гуруҳи томонидан ташкил этилди.

Жорий йилда «OGU-2015» халқаро кўргазмаси жаҳоннинг 20 мамлакатидан 200 га яқин компанияларни бир майдонга жамлади. Улар орасида Mioge (Россия), Kioge (Қозоғистон), Caspian Oil & Gas (Озарбайжон), Turoge (Туркия), OGT (Туркманистон), Gioge (Грузия), Myanmar Oil & Gas (Япония), India Oil & Gas Summit (Ҳиндистон), Global Oil&Gas Black Sea and Mediterranean (Греция) ва бошқалар ўрин олди. Ушбу нуфузли халқаро холдинг ва компаниялар ўз маҳсулотларини тақдим этишди.

Ўзбекистон нефть-газ тармоғининг пешқадами – «Ўзбекнефтгаз» МХКнинг «OGU-2015»да фаол иштирок этиши эса, анъанавий тарзда кўргазма ишида стратегик муҳим роль ўйнади.

(Давоми 10-бетда).

☑ Бир мавзу тафсилоти

2015 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ иштирокидаги уй-жойлар қурилишига жами 1 277,6 млрд. сўмлик маблағлар пудрат ташкилотларини молиялаштиришга йўналтирилди. Шундан 759,5 млрд. сўм миқдоридаги сармоялар имтиёзли ипотека кредити асосида ажратилди.

(Батафсил 6-бетдаги «Намунавий уйлар қурилиши изчил давом этмоқда» сарлавҳали мақолада ўқинг).

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН КУРСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 12 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1990,18	1 Канада доллари	2080,77	1 Норвегия кронаси	335,80	1 евро	2828,84
1 Англия фунт стерлинги	3888,03	1 Хитой юани	406,39	1 Польша злотийси	692,85	10 Жанубий Корея вони	23,11
1 Дания кронаси	376,75	1 Қувайт динори	8353,96	1 Сингапур доллари	1890,82	10 Япония иенаси	210,39
1 БАА дирҳами	686,83	1 Россия рубли	49,71	1 СДР	3547,79		
1 АҚШ доллари	2522,73	1 Украина гривнаси	122,52	1 Туркия лираси	935,80		
1 Миср фунти	330,63	100 Ливан фунти	167,73	1 Швеция кронаси	304,60		
1 Исландия кронаси	18,99	1 Малайзия ринггити	700,17	1 Швейцария франки	2702,15		

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Айрим хорижий валюталарнинг ўтган ҳафтага солиштирма кўрсаткичи: **1 USD ▲ 2522,73 – (2517,80)** | **1 EUR ▲ 2828,84 – (2753,23)** | **1 GBP ▲ 3888,03 – (3815,98)** | **10 JPY ▲ 210,39 – (209,69)**

AUDIT NATIJALARI

Давлат-тижорат Халқ банки

Рўйхатга олиш рақами: ЎзР МБнинг 2003 йил 25 январдаги 25-сонли лицензияси.
Юридик манзили: 100096, Тошкент шаҳри, Қатортол кўчаси, 46.

ЙИҒМА БАЛАНС ҲИСОБОТИ
2014 ва 2013 йилларнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

(минг сўмда)

Моддалар	2014 йил	2013 йил
АКТИВЛАР		
Нақд пуллар	80 233 184	54 673 755
Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан олиниши керак бўлган маблағлар	131 094 004	207 329 881
Бошқа банклардан олиниши керак бўлган маблағлар	975 251 843	796 526 500
Инвестициялар – сотиш учун мавжуд бўлганлари	9 897 203	5 983 121
Мижозларга берилган кредитлар ва бўнаклар:	1 634 944 054	1 488 842 845
Минус: эҳтимолий зарарлар бўйича захиралар	(29 510 472)	(43 912 845)
Соф кредит ва бўнаклар	1 605 433 582	1 444 930 000
Молиявий ижара	12 508 849	18 558 916
Гудвилл	10 599 682	14 604 356
Асосий воситалар (соф баланс қиймати бўйича)	135 564 498	119 353 320
Номоддий активлар (соф баланс қиймати бўйича)	614 841	1 107 497
Кечиктирилган солиқ активлари (талаблари)	7 863 094	10 936 996
Бошқа активлар	38 284 956	38 297 709
ЖАМИ: АКТИВЛАР	**3 007 345 736**	**2 712 302 051**
МАЖБУРИЯТЛАР		
Депозитлар		
Талаб қилиб олингунча	421 083 657	366 157 481
Жамғарма	1 414 923 736	1 083 585 711
Муддатли	605 500 159	757 222 805
Жами: депозитлар	**2 441 507 552**	**2 206 965 997**
Давлат ва молия ташкилотларига тўланиши керак бўлганлар	47 739 059	45 665 123
Бошқа банкларга тўланиши керак бўлган	122 371 565	125 392 737
Бошқа мажбуриятлар	115 547 578	99 851 473
Жами: мажбуриятлар	**2 727 165 754**	**2 477 875 330**
КАПИТАЛ		
Оддий акциялар	205 768 386	205 768 386
Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)	46 471 627	16 610 798
Банк акциядорларига тегишли жами капитал	**252 240 013**	**222 379 184**
Назорат қилинмайдиган акциядорлар улуши	27 939 969	12 047 537
Жами: капитал	280 179 982	234 426 721
ЖАМИ: МАЖБУРИЯТЛАР ВА КАПИТАЛ	**3 007 345 736**	**2 712 302 051**

ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ
2014 ва 2013 йилларнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

(минг сўмда)

Моддалар	2014 йил	2013 йил
Фоизли даромадлар		
Кредитлар бўйича фоизли даромад	172 401 708	140 837 067
ЎзР МБ ва бошқа банклардаги ҳисобварақлар бўйича фоизли даромад	134 852 114	111 797 561
Жами: фоизли даромадлар	**307 253 822**	**252 634 628**
Фоизли харажатлар		
Банк маблағлари бўйича фоизли харажатлар	(16 073 019)	(14 965 247)
Жисмоний шахслар депозитлари бўйича фоизли харажатлар	(51 745 695)	(66 063 945)
Муддатли депозитлар бўйича фоизли харажатлар	(27 555 092)	(59 449 216)
Давлат ва молия ташкилотлари ҳисобварақлари бўйича фоизли харажатлар	(14 965 247)	(14 477 267)
Давлат ва молия ташкилотлари қарз маблағлари бўйича фоизли харажатлар	(1 107 772)	(1 639 658)
Талаб қилиб олингунгача бўлган депозитлар бўйича фоизли харажатлар	(498 086)	(496 177)
Жами: фоизли харажатлар	**(111 944 911)**	**(157 091 510)**
Соф фоизли даромад	**195 308 911**	**95 543 118**
Фоиз ҳисобланадиган активларнинг қадрсизланиши бўйича зарарлар	(2 654 970)	(18 794 647)
Захирани баҳолаш чегириб ташланганидан кейинги соф фоизли даромад	**192 653 941**	**76 748 471**
Фоизсиз даромад		
Воситачилик ва хизматлар учун тўловлардан олинган даромад	233 136 117	132 283 467
Воситачилик ва хизматлар учун тўловлар бўйича харажатлар	(26 464 776)	(25 432 393)
Валюта операцияларидан тушган фойда (зарар)	2 913 954	2 581 982
Дивидендлар тарзидаги даромад	795 091	958 887
Бошқа операциялар бўйича қадрсизланиш захирасини шакллантириш	(2 518 156)	(3 426 893)
Бошқа операцион даромадлар	8 567 559	6 347 391
Жами: фоизсиз даромад	**216 429 789**	**113 312 441**
Операцион харажатлар		
Ходимлар иш ҳақи ва бошқа харажатлар	(152 084 726)	(82 177 706)
Ижара ва таъминот харажатлари	(1 530 247)	(2 775 032)
Транспорт ва хизмат сафарлари харажатлари	(2 406 775)	(2 144 279)
Маъмурий харажатлар	(130 882 011)	(28 075 700)
Эскириш ва амортизация	(18 280 924)	(8 352 892)
Суғурта харажатлари, солиқлар ва бошқа тўловлар	(48 284 492)	(17 974 510)
Хайрия тадбирлари ва ҳомийлик ёрдами	(2 000)	(77 000)
Бошқа операцион харажатлар	(329 434)	(381 209)
Жами: операцион харажатлар	**(353 800 609)**	**(141 958 328)**
Даромад (фойда) солиғидан олдинги соф фойда (зарар)	**55 283 121**	**48 102 584**
Даромад (фойда) солиғини баҳолаш	(9 529 860)	(7 668 014)
Даврдаги соф фойда	**45 753 261**	**40 434 570**
Қуйидагиларга тегишли:		
Бош банк акциядорларига	29 860 829	25 828 928
Эгаликнинг назорат қилинмайдиган улушига	15 892 432	14 605 642
ЖАМИ УМУМИЙ ДАРОМАД	**45 753 261**	**40 434 570**
Бир акцияга тўғри келадиган базавий фойда		
Бир акцияга тўғри келувчи тақсимланган фойда		

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ
2014 ва 2013 йилларнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

(минг сўмда)

Моддалар	2014 йил	2013 йил
Операцион фаолиятдан келган пул маблағлари		
Олинган фоизлар	306 770 710	244 896 195
Тўланган фоизлар	(111 925 074)	(93 368 491)
Воситачилик ва хизматлар учун тўловлар тарзида олинган даромадлар	233 198 661	131 968 840
Воситачилик ва хизматлар учун тўловлар тарзида тўланган харажатлар	(26 464 776)	(25 432 393)
Бошқа олинган операцион даромадлар	9 445 635	5 383 628
Таъминловчи ва ишчиларга тўланган пул маблағлари	(339 199 661)	(132 847 660)
Тўланган даромад (фойда) солиғи	(9 706 364)	(13 579 798)
Операцион активлар ва мажбуриятлардаги ўзгаришлардан олдинги операцион фаолиятдан келган пул оқимлари	**62 119 131**	**117 020 321**
Операцион актив ва мажбуриятлардаги ўзгаришлар:		
ЎзР МБдаги мажбурий захира	(43 923 297)	(53 241 360)
Банклардаги маблағларнинг соф камайиши (кўпайиши)	41 229 316	(105 651 810)
Мижозларга берилган ссудаларнинг соф камайиши (кўпайиши)	(146 077 456)	(396 197 168)
Бошқа активлардаги соф камайиш (кўпайиш)	(949 445)	(11 843 643)
Операцион мажбуриятларнинг соф камайиши (кўпайиши):		
Мижозлар маблағларининг соф кўпайиши (камайиши)	235 049 530	512 872 116
Бошқа банкларнинг маблағлари бўйича соф кўпайиш (камайиш)	(3 014 260)	(36 767 349)
Бошқа мажбуриятлар бўйича соф кўпайиш (камайиш)	14 047 524	2 023 092
Операцион фаолиятдан келган соф пул маблағлари	**158 481 043**	**28 214 199**
Инвестицион фаолиятдан келган пул маблағлари		
Сотиш учун мавжуд бўлган инвестицияларни сотиб олиш	(3 914 082)	-
Инвестицион мол-мулкни сотиб олиш	(4 513 105)	(7 109 481)
Инвестицион мол-мулкнинг сотилишидан тушган тушум	-	6 200 691
Асосий воситалар ва номоддий активларни сотиб олиш	(34 145 593)	(23 907 196)
Асосий воситалар ва номоддий активларнинг реализациясидан тушган тушум	3 085 496	2 132 596
Олинган дивидендлар	275 091	78 183
Инвестицион фаолиятда қўлланилган соф пул маблағлари	**(39 212 193)**	**(22 605 207)**
Молиявий фаолиятдан келган пул маблағлари:		
Давлат ва халқаро молия ташкилотларининг қарз маблағларидан тушган тушумлар/(тўловлар)	2 071 053	6 297 817
Оддий акцияларни чиқариш натижасида тушган тушум	-	-
Эгаликнинг назорат қилинмайдиган улушига тўланган дивиденд пуллари	-	-
Молиявий фаолиятдан келган /(фойдаланилган) соф пул маблағлари	**2 071 053**	**6 297 817**
Хорижий валюта курси ўзгаришининг пул маблағлари ва пул эквивалентларига таъсири	2 035 876	1 887 942
Пул маблағлари ва улар эквивалентларининг соф кўпайиши/(камайиши)	**123 375 779**	**13 794 751**
Йил бошидаги пул маблағлари ва улар эквивалентлари	**197 539 163**	**183 744 412**
Йил охиридаги пул маблағлари ва улар эквивалентлари	**320 914 942**	**197 539 163**

АКЦИЯДОРЛИК КАПИТАЛИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ
2014 ва 2013 йилларнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

(минг сўмда)

Моддалар	Устав капитали	Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)	Жами капитал: банк акциядорларига тегишли	Назорат қилинмайдиган улуши	Жами капитал
2013 йил 1 январь	**205 768 386**	**(9 218 130)**	**196 550 256**	**5 994 584**	**202 544 840**
Жами йиллик умумий даромад	-	25 828 928	25 828 928	14 605 642	40 434 570
Эълон қилинган дивидендлар	-	-	-	(8 552 689)	(8 552 689)
Жами: 2014 йил 1 январь қолдиғига кўра	**205 768 386**	**16 610 798**	**222 379 184**	**12 047 537**	**234 426 721**
Жами йиллик умумий даромад	-	29 860 829	29 860 829	15 892 432	45 753 261
Эълон қилинган дивидендлар	-	-	-	-	-
2014 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ	**205 768 386**	**46 471 627**	**252 240 013**	**27 939 969**	**280 179 982**

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги «Грант Торнтон» МЧЖ аудиторлик ташкилоти (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 13 февралдаги АФ 00064-сонли лицензиясига эга) томонидан тасдиқланган ва унинг барча муҳим жиҳатлари амалдаги қонун ҳужжатлари ва Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган.
Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банкнинг 2014 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботи тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида бор.

Хизматлар лицензияланган.

AUDIT NATIJALARI

«Трастбанк» хусусий акциядорлик биржа банки

Рўйхатга олиш рақами: ЎзР МБнинг 2014 йил 4 августдаги 44-сонли лицензияси.
Юридик манзили: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 7.

МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ
2014 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

(минг сўмда)

Моддалар	2014 йил	2013 йил
АКТИВЛАР		
Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги пул маблағлари ва ҳисобварақлар	212 949 415	235 901 039
Банклардаги маблағлар	101 859 582	166 196 636
Мижозларга берилган ссудалар	391 515 769	278 095 185
Сотиш учун мавжуд бўлган инвестициялар	62 207	1 976 437
Сўндирилгунча ушлаб турилган инвестициялар	24 533 720	24 616 122
Ассоциациялашган компаниялардаги инвестициялар	5 045 008	-
Асосий маблағлар	29 711 509	26 902 557
Номоддий активлар	42 311	66 815
Фойда солиғи бўйича жорий активлар	951 706	702 574
Фойда солиғи бўйича кечиктирилган солиқ активлари	-	945 335
Бошқа активлар	3 159 116	7 567 526
ЖАМИ АКТИВЛАР	**769 830 343**	**742 970 226**
МАЖБУРИЯТЛАР ВА КАПИТАЛ		
МАЖБУРИЯТЛАР:		
Банкларнинг маблағлари	8 392 049	23 378 702
Мижозларнинг маблағлари	644 081 111	625 482 973
Чиқарилган қарз қимматли қоғозлар	6 207 823	4 126 652
Фойда солиғи бўйича кечиктирилган солиқ мажбуриятлари	67 732	-
Бошқа мажбуриятлар	3 145 192	1 764 864
ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР	**661 893 907**	**654 753 191**
КАПИТАЛ:		
Устав капитали	33 961 733	27 961 733
Эмиссион даромад	4 873 110	3 433 110
Тақсимланмаган фойда	69 101 593	56 822 192
ЖАМИ КАПИТАЛ	**107 936 436**	**88 217 035**
ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР ВА КАПИТАЛ	**769 830 343**	**742 970 226**

УМУМИЙ ДАРОМАД ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ
2014 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

(минг сўмда)

Моддалар	2014 йил	2013 йил
Фоизли даромадлар	58 493 500	49 406 447
Фоизли харажатлар	(8 666 096)	(7 540 953)
Фоизлар ҳисобланадиган активларнинг тикланиши/(қадрсизланишидан кўрилган зарарлар) шакллантирилгунгача соф фоизли даромад	49 827 404	41 865 494
Фоизлар ҳисобланадиган активларнинг қадрсизланиши бўйича захиранинг тикланиши/(қадрсизланишидан кўрилган зарар)	(2 754 648)	(1 008 283)
Соф фоизли даромад	**47 072 756**	**40 857 211**
Хорижий валюта билан операциялар бўйича соф фойда	2 504 300	1 743 570
Хизматлар бўйича ва воситачилик тарзидаги даромадлар	43 848 458	32 698 972
Хизматлар бўйича ва воситачилик тарзидаги харажатлар	(10 222 379)	(5 963 715)
Қадрсизланиш оқибатида кўрилган бошқа даромад/(зарар)	482 718	(814 998)
Дивидендлар бўйича даромадлар	5 849	2 082 263
Ассоциациялашган компанияларнинг фойдадаги улуши	4 032 979	-
Бошқа даромадлар	1 445 399	810 782
Соф фоизсиз даромадлар	**42 097 324**	**30 556 874**
Операцион даромадлар	**89 170 080**	**71 414 085**
Операцион харажатлар	(50 518 609)	(38 829 771)
Даромад солиғи ундирилгунгача фойда	**38 651 471**	**32 584 314**
Даромад солиғи бўйича харажатлар	(8 770 303)	(6 019 331)
Йиллик соф фойда	**29 881 168**	**26 564 983**
Бошқа умумий даромад		
Келаси ҳисоботда зарар ёки даромад сифатида таснифланадиган бошқа умумий даромад:		
Сотиш учун мавжуд бўлган инвестицион қарз қимматли қоғозлар билан амалга оширилган операциялар бўйича реализация қилинмаган даромадлар/(харажатлар)	(225 726)	-
Фойда ёки зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда сотиш учун мавжуд бўлган инвестицион қимматли қоғозлар билан амалга оширилган операциялар бўйича реализация қилинган даромадлар/(харажатлар)	225 726	-
Бошқа умумий йиллик даромад, солиқлар чегириб ташланганда	**-**	**-**
Жами умумий даромад	**29 881 168**	**26 564 983**

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ
2014 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

(минг сўмда)

Моддалар	2014 йил	2013 йил
Операцион фаолиятдан олинган пул маблағларининг ҳаракати:		
Олинган фоизлар	57 995 372	51 009 207
Тўланган фоизлар	(8 642 814)	(7 549 761)
Хизматлар бўйича ва воситачилик тарзида олинган даромадлар	43 792 758	37 067 063
Хизматлар бўйича ва воситачилик тарзида тўланган харажатлар	(10 222 379)	(5 963 715)
Хорижий валютали операциялардан фойда	279 475	485 422
Бошқа операцион даромадлар	1 445 399	859 860
Ходимлар таъминоти учун тўланган харажатлар	(28 256 381)	(21 106 869)
Тўланган операцион харажатлар	(20 434 390)	(14 420 100)
Операцион активлар ва мажбуриятлардаги ўзгаришлардан олдинги операцион фаолиятдан олинган пул маблағлари	**35 957 040**	**40 381 107**
Операцион активлар ва мажбуриятлардаги ўзгаришлар:		
Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги минимал захиравий депозитларнинг камайиши/(кўпайиши)	3 864 525	(13 804 611)
Бошқа банклардаги маблағлар бўйича камайиш/(кўпайиш)	82 264 443	(6 658 434)
Мижозларга берилган ссудалар бўйича кўпайиш	(109 813 230)	(135 840 227)
Бошқа активлар бўйича камайиш/(кўпайиш)	923 713	(2 963 546)
Банклардаги маблағлар бўйича камайиш/(кўпайиш)	(15 981 923)	10 287 520
Мижозларнинг маблағлари бўйича кўпайиш	12 432 648	74 070 764
Бошқа мажбуриятлар бўйича кўпайиш	926 073	501 438
Фойда солиғи тўлангунга қадар операцион фаолиятдан олинган пул маблағларининг соф оқими	**10 573 289**	**(34 025 989)**
Тўланган даромад солиғи	(8 006 368)	(5 446 445)
Операцион фаолиятдан олинган/(сарфланган) соф пул маблағлари	**2 566 921**	**(39 472 434)**
Инвестицион фаолиятдан олинган пул маблағлари ҳаракати:		
Сўндирилгунча ушлаб турилган инвестицияларни сотиб олиш	(8 767 817)	(11 451 320)
Сўндирилгунча ушлаб турилган инвестициялардан тушган тушумлар	8 850 219	2 006 902
Сотиш учун мавжуд бўлган инвестициялардан олинган дивидендлар	901 744	797 144
Сотиш учун мавжуд бўлган инвестицияларни сотиб олиш	6 306	(40 000)
Асосий воситалар ва номоддий активларни сотиб олиш	(7 080 715)	(12 096 537)
Асосий воситаларнинг сотувидан тушган тушум	2 081	9 939
Инвестицион фаолиятдан келган пул маблағларининг соф чиқими	**(6 088 182)**	**(20 773 873)**
Молиявий фаолиятдан олинган пул маблағларининг ҳаракати:		
Акцияларнинг чиқарилишидан тушган тушумлар	-	49 835
Чиқарилган қарз қимматли қоғозларни жойлаштириш	2 032 920	3 194
Тўланган дивидендлар	(10 161 767)	(4 805 212)
Молиявий фаолиятдан олинган соф пул маблағларининг оқими	**(8 128 847)**	**(4 752 183)**
Айирбошлаш курси ўзгаришининг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларига таъсири	4 293 576	1 258 150
Пул маблағлари ва улар эквивалентларининг соф кўпайиши/(камайиши)	**(7 356 532)**	**(63 740 340)**
Йил бошидаги пул маблағлари ва улар эквивалентлари	**220 733 598**	**284 473 938**
Йил охиридаги пул маблағлари ва улар эквивалентлари	**213 377 066**	**220 733 598**
Пулсиз транзакциялар Дивидендларнинг капитализацияси	**7 440 000**	**7 071 220**

КАПИТАЛДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ
2014 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

(минг сўмда)

Моддалар	Устав капитали	Эмиссион даромад	Тақсимланмаган фойда	Жами капитал
2013 йил 1 январь	**22 711 733**	**1 562 055**	**42 133 641**	**66 407 429**
Оддий акциялар бўйича эълон қилинган дивидендлар	-	-	(11 872 982)	(11 872 982)
Имтиёзли акциялар бўйича эълон қилинган дивидендлар	-	-	(3 450)	(3 450)
Акцияларнинг чиқарилиши	49 835	-	-	49 835
Устав капиталининг кўпайиши	5 200 165	1 871 055	-	7 071 220
Жами умумий даромад	-	-	26 564 983	26 564 983
2013 йил 31 декабрь	**27 961 733**	**3 433 110**	**56 822 192**	**88 217 035**
Оддий акциялар бўйича эълон қилинган дивидендлар	-	-	(17 598 317)	(17 598 317)
Имтиёзли акциялар бўйича эълон қилинган дивидендлар	-	-	(3 450)	(3 450)
Акцияларнинг чиқарилиши	-	-	-	-
Устав капиталининг кўпайиши	6 000 000	1 440 000	-	7 440 000
Жами умумий даромад	-	-	29 881 168	29 881 168
2014 йил 31 декабрь	**33 961 733**	**4 873 110**	**69 101 593**	**107 936 436**

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги «Ernst & Young» МЧЖ аудиторлик ташкилоти (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 5 февралдаги 00628-сонли лицензиясига эга) томонидан тасдиқланган ва унинг барча муҳим жиҳатлари амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган.
Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банкнинг 2014 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботи тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида бор.

Хизматлар лицензияланган.

KADRLAR SIYOSATI

Кадрлар банк истиқболини белгилайди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Булардан бири банкнинг кадрлар таркибини узлуксиз мақбуллаштиришдан иборат бўлиб, зарурий функционал вазифалар ва бажарилаётган ишлар ҳажмидан келиб чиқиб, ходимларни танлаш ва лавозимларга тақсимлаш, бунда уларнинг касбий ва малакавий даражаси, шахсий жиҳатдан муҳим бўлган психологик ва ижтимоий сифатларига эътибор қаратилади.

Бундан ташқари, кадрлар бошқарувида етакчи ходимларни сақлаб қолиш, уларнинг ўрнатилган қоида, меъёр ва стандартлар асосида ишлашини таъминлаш, бунда банкда ташкилий тартибнинг яратилиши ва сақлаб турилиши, ижрочиликни мустаҳкамлаш, ходимларнинг масъулияти, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш вазифаларига ҳам жиддий эътибор қаратилади.

Банк ходимларидан иборат раҳбар кадрларни шакллантириш тамойилига мувофиқ эса, ходимлар карьерасини режалаштириш ҳамда захирага олиш, улар фаолиятини баҳолаш, ротация қилиш, илгари суриш бўйича ишларни олиб бориш, ёш ва тажрибали кадрлар ўртасидаги мутаносибликни қўллаб-қувватлаш, бунда шогирдлик ва мураббийлик институтини ривожлантириш, мутахассислик лавозимларига захиралар тайёрлаш, шунингдек, ходимлардан қайта ўқиш ва фаолиятини диверсификациялашни талаб қилган лавозимларни ёш мутахассислар билан тўлдириш, бунда раҳбар ходимлар ва малакали мутахассисларни қабул қилишда ҳал қилувчи омил бўладиган профессионал сифатларни аниқлаш вазифалари ўртага ташланган.



Ходимларнинг ташаббускорлигини рағбатлантириш тамойилига кўра, ходимларнинг бизнес-жараёнларини модернизациялаш ва яхшилашга оид таклифларини аниқлаш устидан назорат ўрнатиш, ташаббус кўрсатган ходимларни рағбатлантириш, корпоратив маданият ва иш этикасини ривожлантириш устувор саналади.

Ҳозирги кунда банкимизда ходимларнинг умумий сони 1800 нафар бўлиб, шундан 51,5 фоизини хотин-қизлар ташкил қилади. Жамоа таркибидаги ўртача ёш эса, 32 ёш ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, сўнгги беш йил ичида банк умумий ходимлари сони 1,4 маротаба ошган, уларнинг сифат таркибида ҳам сезиларли даражада ўсиш кузатилди.

Малака ошириш масаласида ходимларимиз бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Минтақавий банк ўқув маркази, Банк-молия академияси, Ўзбекистон банклари Ассоциацияси қошидаги Синдициялашган кредитлаш бўйича ташаббус маркази ҳамда Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларини тайёрлаш миллий марказларига жалб қилинмоқда. Шунингдек, улар орасидаги ёш, билимга чанқоқ мутахассислар республикамиздаги молия-банк йўналишига ихтисослашган олий ўқув юртлари ҳамда хорижий олий таълим муассасаларининг Тошкентдаги филиаллари (иккинчи мутахассислик ҳамда магистратура)га билим даражаларини шакллантиришга йўналтирилмоқда.

Банкимизда ходимларни спорт-соғломлаштириш ҳамда маданий-маърифий тадбирларига кенг жалб қилиш борасида ҳам ишлар намунали йўлга қўйилган. Хусусан, «Ипак йўли» банки Ўзбекистон банклари Ассоциацияси томонидан ҳар йили ўтказиладиган банклараро спартакиада мусобақаларида фаол қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Шу билан бирга, банк ходимлари орасида доимий равишда спорт билан шуғулланиб келаётган ҳаваскорлар ўртасида футбол, баскетбол, волейбол, теннис ва сузиш бўйича филиаллараро мусобақалар ўтказилмоқда. Кадрлар бошқарувидаги ушбу услуб банк жамоасини янада жипслаштириш ҳамда ходимлар қобилиятини аниқлашда катта аҳамият касб этмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, кадрлар банкнинг асосий «актив»лари саналади. Шу боис, уларни ҳар жиҳатдан шакллантириб бориш ва бунинг учун барча шароитни ҳозирлаш банклар зиммасидаги энг муҳим вазифа ҳисобланади. «Ипак йўли» АИТБ бошқарувида ушбу йўналишдаги чора-тадбирлар доим марказий ўринда туради. Зеро, банк фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан кадрлар сифат таркиби, тажриба ва салоҳиятига боғлиқлиги ҳаётий ҳақиқатдир.

Банк ходимлари ҳар жиҳатдан шакллантирилмоқда

Бугунги кунда тижорат банкларида махсус ўқув марказлари фаолияти йўлга қўйилиб, улар ходимларнинг касбий маҳорат ва билимларини юксалтириш, маънавий дунёқарашини шакллантириш борасида кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Жумладан, «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки тизимида ҳам ана шундай тузилма мавжуд бўлиб, у ходимларнинг профессионал даражасини ошириш орқали мазкур муассаса фаолияти барқарорлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Тузилма олдидаги вазифалар ва унинг ўтган даврдаги фаолияти хусусида Ўқув маркази бошлиғи Иброҳим МИРЗАМУРОДОВ қуйидагиларни гапириб берди:

– Ўқув марказимизда тизимдаги банк ходимларини тайёрлаш, уларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, амалий иш тажрибаларини бойитишга қаратилган, шунингдек, мазкур соҳада қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатлари, Президент фармон ва қарорлари, Марказий банкнинг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий йўриқномалари ҳамда молия-иқтисодиёт тизимида кузатилаётган ўзгаришлар моҳиятини тарғиб қилишга бағишланган махсус ўқув-семинарлари, тренинглар ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Марказимизнинг мазкур йўналишдаги фаолияти аввало, банк таркибий тузилмалари таклифлари ҳамда банк Бошқаруви томонидан қўйилаётган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ҳар бир чоракка белгиланган иқтисодий ва маънавий ўқув-семинарлари иш режалари асосида ташкил этиб келинмоқда. Ходимлар малакаси ва касб маҳоратини ошириш, назарий ва амалий билимлари даражасини кўтариш, банк фаолиятининг турли йўналишларида йўл қўйилиши мумкин бўлган камчиликларнинг олдини олиш мақсадида жорий йилнинг биринчи чорагида банк филиаллари ходимлари учун «Банк тизимида назоратни ташкил этиш», «Намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишини молиялаштириш», «Банкларда меҳнат муносабатларини ташкил этиш», «Конверсион операциялар ва уларни амалга ошириш тартиби», «Банк тизимида юридик хизматни ташкил этиш» ва «Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва назорат қилиш» каби долзарб мавзуларда ўқув курслари ташкил этилиб, унда банкнинг 380 нафар ходими ўз малакасини оширди.

Марказда ўтказилаётган барча ўқув машғулотлари асосан банкнинг департамент ва бошқарма бошлиқлари, шунингдек, йўналишига қараб республикада фаолият юритаётган вазирлик ва идораларнинг малакали ходимлари томонидан олиб борилиши йўлга қўйилган. Бунда ҳар бир ўқув машғулоти якунида тингловчиларнинг республикамиз пойтахтида фаолият юритаётган музейлар ва театрларга ташрифлари ҳам ташкил қилинмоқда.

Ўқув марказининг яна бир муҳим йўналишларидан бири Бош банк ходимлари учун ҳар ҳафта банк фаолиятига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш, ходимларнинг касбий, ҳуқуқий ва маънавий савиясини оширишга қаратилган турли тадбирларни уюштиришдан иборатдир. Бунда ходимларни ўз йўналишидан ташқари ижтимоий-сиёсий янгиликлардан ҳам хабардор қилиб бориш мақсади кўзланган бўлиб, бу борада банк Республика Маънавият тарғибот маркази билан ўзаро ҳамкорликда ишлаб чиқилган тадбирлар дастури асосида иш олиб бормоқда.

Дастурга асосан жорий йилнинг биринчи чораги давомида Марказ томонидан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маъданият ходими, шоир Бобур Бобомурод иштирокидаги «Маънавият – инсон кўзгуси» мавзусида, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети психология кафедраси доценти, психология фанлари номзоди Лутфулла Турсунов иштирокида «Халқаро этикет қоидалари ва банк ходимининг ахлоқ-одоб маданияти», Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Бекзод Муҳаммадкаримов ва Мадина Мухторова иштирокида Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуди муносабати билан «Буюк алломалар ижоди – миллий маънавий хазинамиз», Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов иштирокида «Аёлни улуғламоқ оилани, Ватанни, ҳаётни улуғламоқ демакдир» мавзуларида ҳамда «Ҳандалак» ижодий гуруҳи аъзоси Ортиқ Султонов иштирокида Наврўз байрамига бағишланган тадбирлар ўтказилди.

Ўқув марказида шунингдек, ходимлар мутолааси учун 1,5 мингдан ортиқ бадиий, маърифий ва иқтисодий адабиётлардан таркиб топган кутубхона фонди ташкил этилди. 60 дан ортиқ марказий ва 10 га яқин хорижий газета ва журналларга обуна уюштирилди. Электрон кутубхона хизмати йўлга қўйилиб, барча бошқарма ва бўлимларга умумлаштирилган тармоқ орқали етказиб берилмоқда. Кутубхона фондини янада бойитиб, ходимларни янги китоблар билан таъминлаш мақсадида жорий йилнинг февраль ойи давомида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан электрон кутубхона тизимини яратиш бўйича ҳамкорлик олиб борилди.

Натижада Миллий кутубхонадан 1 664 та электрон кўринишдаги адабиётлар олиниб, марказимизнинг электрон кутубхона фонди янада бойитилди.

Материалларни Эъзоз КАМОЛОВА тайёрлади.

AUDIT NATIJALARI

«Туронбанк» акциядорлик-тижорат банки

Рўйхатга олиш рақами: ЎзР МБнинг 2014 йил 13 декабрдаги 8-сонли лицензияси.
Юридик манзили: 100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4 А.

ЙИҒМА БАЛАНС ҲИСОБОТИ
2014 ва 2013 йилларнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

(минг сўмда)

№	Моддалар	2014 йил	2013 йил
	АКТИВЛАР		
010	Нақд пуллар	11 470 638	23 059 992
020	Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан олиниши керак бўлган маблағлар	78 086 378	105 452 682
030	Бошқа банклардан олиниши керак бўлган маблағлар	30 815 579	28 620 921
040	Олди-сотдига мўлжалланган қимматли қоғозлар – савдо, соф		-
041	Олди-сотдига мўлжалланган қимматли қоғозлар – носавдо, соф		-
60	Ҳосилавий молиявий воситалар		-
060	Инвестициялар – сотиш учун мавжуд бўлганлари	8 619 515	7 825 970
061	– сўндирилгунча ушлаб турилганлари	5 235 288	5 262 641
070	Тескари РЕПО		
080	Мижозларга кредитлар ва бўнаклар:	406 828 875	407 688 856
081	Минус: эҳтимолий зарарлар бўйича захиралар	(9 600 441)	(11 285 135)
082	Соф кредит ва бўнаклар	397 228 434	396 403 721
090	Молиявий ижара, соф		
100	Қарамоғдаги хўжалик жамиятларига инвестициялар	9 994 036	9 474 205
101	Қўшма корхоналарга инвестициялар		
110	Гудвилл		
120	Асосий воситалар (соф баланс қиймати бўйича)	36 525 537	29 895 391
130	Номоддий активлар (соф баланс қиймати бўйича)	130 827	199 205
140	Бошқа хусусий мулк		-
150	Солиқ талаблари	4 133 383	5 387 726
160	Ускуналар учун тўланган бўнаклар	8 520 013	7 283 621
170	Бошқа активлар		-
	ЖАМИ: АКТИВЛАР	**590 759 628**	**618 866 075**
	Мажбуриятлар		
	Депозитлар		
181	Талаб қилиб олингунча	377 186 003	386 839 549
182	Жамғарма	35 129 612	11 290 197
183	Муддатли	62 323 681	101 535 179
184	Депозит сертификатлари		-
185	Ҳукумат ҳисобварақлари		-
190	**Жами депозитлар**	**474 639 296**	**499 664 925**
200	Марказий банкка тўланиши керак бўлганлар	21 851	23 234
210	Ҳукуматга тўланиши керак бўлганлар	1 134 709	1 813 576
220	Бошқа банкларга тўланиши керак бўлган	20 934 260	37 640 184
230	РЕПО ва бошқа қарз маблағлар	5 604 669	3 749 154
240	Ҳосилавий молиявий воситалар	-	-
250	Солиқ мажбуриятлари	-	-
260	Бошқа мажбуриятлар	14 600 031	6 392 377
270	Чиқарилган қарз қимматли қоғозлар	11 993 061	22 518 672
280	**Жами: мажбуриятлар**	**528 927 877**	**571 802 122**
	ХУСУСИЙ КАПИТАЛ		
300	Оддий акциялар	42 211 923	36 151 204
310	Имтиёзли акциялар	6 650 471	6 650 471
320	Хусусий акциялар, акциядорлардан сотиб олинганлари	-	-
330	**Жами акциядорлик капитали**	**48 862 394**	**42 801 675**
340	Бошқа захиралар	45 684	45 684
350	Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)	12 923 673	4 216 594
360	**Жами хусусий капитал**	**61 831 751**	**47 063 953**
370	**ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР ВА ХУСУСИЙ КАПИТАЛ**	**590 759 628**	**618 866 075**

ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ
2014 ва 2013 йилларнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

(минг сўмда)

№	Моддалар	2014 йил	2013 йил
	Фоизли даромадлар		
011	Кредитлар бўйича фоизли даромад	64 924 240	53 425 502
012	ЎзР МБ ва бошқа банклардаги ҳисобварақлар бўйича фоизли даромад	321 599	1 165 583
013	Олди-сотди учун мўлжалланган қимматли қоғозлар бўйича фоизли даромад – савдо	0	0
014	Олди-сотди учун мўлжалланган қимматли қоғозлар бўйича фоизли даромад – носавдо	0	0
015	Сотиш учун мавжуд бўлган инвестициялар бўйича фоизли даромад	0	0
016	Сўндирилгунча ушлаб туриладиган инвестициялар бўйича фоизли даромад	522 329	439 463
017	Тескари РЕПО битимлари бўйича фоизли даромад	0	0
018	Молиявий ижара бўйича фоизли даромад	0	0
019	Бошқа фоизли даромадлар	1 544	2 298
020	**Жами фоизли даромадлар**	**65 769 712**	**55 032 846**
	Фоизли харажатлар		
031	Сўндирилгунча ушлаб туриладиган депозитлар бўйича фоизли харажатлар	-3 792 225	-1 947 874
032	Жамғарма депозитлар бўйича фоизли харажатлар	-198 889	-209 504
033	Муддатли депозитлар бўйича фоизли харажатлар	-11 568 843	-10 977 543
034	Депозит сертификатлари бўйича фоизли харажатлар	-1 749 071	-1 972 802
035	Ҳукумат ҳисобварақлари бўйича фоизли харажатлар	0	0
036	ЎзР МБ ҳисобварақларига тўланадиган фоизли харажатлар	0	0
037	Бошқа банклар ҳисобварақларига тўланадиган фоизли харажатлар	-3 631 983	-4 936 834
038	Бошқа қарз маблағлар бўйича фоизли харажатлар	-222 960	-236 527
039	Чиқарилган қарз қимматли қоғозлар бўйича фоизли харажатлар		
040	РЕПО битимлари бўйича фоизли харажатлар		
041	Бошқа фоизли харажатлар		
60	**Жами фоизли харажатлар**	**-21 163 971**	**-20 281 084**
70	**Соф фоизли даромад**	**44 605 741**	**34 751 762**
070	Кредитларнинг эҳтимолий зарарини баҳолаш захираси	-891 580	-8 718 124
080	**Захирани баҳолаш чегириб ташланганидан кейинги соф фоизли даромад**	**43 714 161**	**26 033 638**
	Фоизсиз даромад		
090	Воситачилик ва хизматлар учун тўловлардан олинган даромад	54 425 251	58 691 607
091	Воситачилик ва хизматлар учун тўловлар бўйича харажатлар	-8 653 824	-11 094 627
092	Савдо операциялардан тушган фойда (зарар)	-121 886	73 180
093	Валюта операциялари бўйича кўрилган фойда (зарар)	1 677 861	2 925 523
094	Сотиш учун мавжуд бўлган инвестицион қимматли қоғозларнинг қадрсизланиши	0	0
095	Дивидендлар тарзидаги даромадлар	1 161 583	629 921
096	Инвестициядан кўрилган фойда (зарар)	0	0
097	Қарамоғдаги хўжалик жамиятлари ва қўшма корхоналардан кўрилган фойда (зарар)	555 678	648 057
	Бозор қийматидан паст нархдаги активларни дастлабки баҳолашдан кўрилган зарарлар	0	-10 923 266
098	Бошқа активларнинг қадрсизланиши бўйича захира	-145 024	-331 077
099	Бошқа операцион даромадлар (харажатлар)	6 603 212	1 427 360
100	**Жами фоизсиз даромад**	**55 502 851**	**42 046 678**
	Операцион харажатлар		
111	Ходимлар иш ҳақи ва бошқа харажатлар	-41 449 265	-34 571 929
	Солиқлар, фойда солиғидан ташқари	-6 627 834	-5 650 810
	Хавфсизликка сарфланган харажатлар	-4 611 575	-3 688 362
115	Асосий воситаларнинг эскириши	-3 309 060	-2 617 558
112	Ижара ва таъминот харажатлари	-2 451 626	-2 216 940
	Хайрия харажатлари	-1 376 968	-2 201 995
117	Суғурта, солиқ ва бошқа тўловлар харажатлари	-1 762 020	-1 389 154
113	Транспорт ва хизмат сафари харажатлари	-535 228	-579 591
119	Бошқа операцион харажатлар	-13 044 288	-5 749 679
120	**Жами операцион харажатлар**	**-75 167 864**	**-58 666 018**
130	**Даромад (фойда) солиғидан олдинги соф фойда (зарар)**	**24 049 148**	**9 414 298**
140	Даромад (фойда) солиғини баҳолаш	-6 465 523	-1 403 460
150	**ДАВОМ ЭТАЁТГАН ФАОЛИЯТДАГИ ДАВР УЧУН ФОЙДА**	**17 583 625**	**8 010 838**
160	Тугатилган фаолиятдаги давр учун фойда/(зарар)	0	6 369 703
160	**ДАВРДАГИ СОФ ФОЙДА**	**17 583 625**	**14 380 541**
170	Бир акцияга тўғри келадиган базавий ва тақсимланган фойда	615	499

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ
2014 ва 2013 йилларнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

(минг сўмда)

№	Моддалар	2014 йил	2013 йил
	Операцион фаолиятдан келган пул оқимлари		
020	Олинган фоизлар	65 769 712	55 032 846
030	Тўланган фоизлар	(20 338 473)	(17 272 851)
040	Воситачилик ва хизматлар учун тўловлар тарзида олинган даромадлар	51 372 665	56 655 829
60	Воситачилик ва хизматлар учун тўловлар тарзида тўланган харажатлар	(8 174 433)	(11 094 627)
060	Дилинг операциялари бўйича соф реализация қилинган фойда (зарар)	(121 886)	73 180
100	Бошқа операцион даромадлар	6 603 213	1 009 267
110	Таъминловчи ва ишчиларга тўланган пул маблағлари	(41 449 265)	(34 828 137)
120	Тўланган даромад (фойда) солиғи	(5 211 180)	(4 783 168)
130	Тўланган маъмурий харажатлар	(22 626 016)	(20 071 378)
140	**Операцион активлар ва мажбуриятлардаги ўзгаришлардан олдинги операцион фаолиятдан келган пул оқимлари**	**25 824 337**	**24 720 961**
150	**Операцион актив ва мажбуриятлардаги ўзгаришлар:**		
154	Банклардаги кредитлар ва бўнакларнинг соф камайиши/(кўпайиши)	4 812 013	(18 657 794)
155	Мижозларга берилган кредит ва бўнакларнинг соф кўпайиши	(2 518 671)	(79 507 354)
156	Бошқа активлардаги соф камайиш (кўпайиш)	(3 450 487)	4 565 458
160	**Операцион мажбуриятларнинг соф камайиши (кўпайиши):**		
161	Депозитлардаги соф камайиш	(25 348 809)	(67 722 255)
163	Бошқа банкларга тўланадиган ҳисобварақлардаги соф камайиш/(кўпайиш)	(16 711 919)	23 080 465
164	Чиқарилган қарз қимматли қоғозлар бўйича соф кўпайиш/(камайиш)	(10 525 611)	4 279 151
165	Бошқа мажбуриятлар бўйича соф кўпайиш/(камайиш)	(188 748)	5 218 352
170	**Операцион фаолиятда фойдаланилган соф пул маблағлари**	**(28 107 895)**	**(104 023 016)**
	Инвестицион фаолиятдан келган пул оқимлари		
200	Операцион фаолият сифатида таснифланадиганларидан ташқари қимматли қоғозларни сотиб олиш	(940 359)	(1 298 255)
210	Операцион фаолият сифатида таснифланадиганларидан ташқари қимматли қоғозларни сотиш	146 815	959 970
	Сўндирилгунча ушлаб туриладиган инвестицион қимматли қоғозларни сотиб олиш	0	(2 100 000)
230	Қарамоғдаги хўжалик жамиятлари, қўшма корхоналар ва шўъба корхоналарнинг чиқариб юборилиши, қўлга киритилган пул маблағлари чегириб ташланганда	0	14 712 000
	Ассоциациялашган ташкилотларни сотиб олиш	(616 106)	(3 415 260)
240	Асосий воситалар, номоддий активлар ва узоқ муддатли активларни сотиб олиш	(6 059 046)	(12 888 162)
250	Асосий воситалар, номоддий активлар ва узоқ муддатли активларни сотиш	1 314 250	1 923 806
260	Олинган дивидендлар	1 161 583	962 957
	Ассоциациялашган корхоналардан олинган даромад	651 950	173 511
270	**Инвестицион фаолиятда қўлланилган соф пул маблағлари**	**(4 340 913)**	**(969 433)**
	Молиявий фаолиятдан келган пул маблағлари:		
290	Қарз маблағлари ва қарз қимматли қоғозлардан тушган тушум	1 877 756	755 020
300	Қарз маблағлари ва қарз қимматли қоғозлар бўйича тўловлар	(730 250)	(304 583)
320	Акцияларни чиқариш	6 060 719	6 001 000
360	Пулли дивидендларни тўлаш	(8 876 546)	(8 088 883)
380	**Молиявий фаолиятда фойдаланилган соф пул маблағлари**	**(1 668 321)**	**(1 637 446)**
400	Инфляциянинг пул маблағлари ва улар эквивалентларига таъсири	2 088 550	1 509 184
410	**Пул маблағлари ва улар эквивалентларининг соф камайиши**	**(32 028 579)**	**(105 120 711)**
420	**Йил бошидаги пул маблағлари ва улар эквивалентлари**	**90 055 956**	**195 176 667**
430	**Йил охиридаги пул маблағлари ва улар эквивалентлари**	**58 027 377**	**90 055 956**

АКЦИЯДОРЛИК КАПИТАЛИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ
2014 ва 2013 йилларнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

(минг сўмда)

Моддалар	Устав капитали	Қўшилган капитал	Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозлар бўйича реализация қилинмаган фойда	Махсус захира	Тақсимланмаган фойда	Жами капитал
2013 йил 1 январь	**36 666 413**	**88 404**	**45 684**	**238 470**	**(1 888 270)**	**35 150 701**
Устав капиталининг кўпайиши	6 001 000	45 858	-	-	-	**6 046 858**
Капитализациялашган дивидендлар	-	-	-	-	-	-
Тўланган дивидендлар	-	-	-	-	(8 275 676)	**(8 275 676)**
Йиллик соф фойда	-	-	-	-	14 380 541	**14 380 541**
Захиралар	-	-	-	(238 470)	-	**(238 470)**
Капиталдаги ҳисобварақларнинг тахрири	-	-	-	-	-	-
2013 йил 31 декабрь	**42 667 413**	**134 262**	**45 684**	**-**	**4 216 594**	**47 063 953**
Устав капиталининг кўпайиши	6 001 000	59 719	-	-	-	**6 060 719**
Капитализациялашган дивидендлар	-	-	-	-	-	-
Тўланган дивидендлар	-	-	-	-	(8 876 546)	**(8 876 546)**
Йиллик соф фойда	-	-	-	-	17 583 625	**17 583 625**
Захиралар	-	-	-	-	-	-
Капиталдаги ҳисобварақларнинг тахрири	-	-	-	-	-	-
2014 йил 31 декабрь	**48 668 413**	**193 981**	**45 684**	**-**	**12 923 673**	**61 831 751**

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги «ПрайсвотерхаусКуперс» МЧЖ аудиторлик ташкилоти (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 12 февралдаги АФ 00492-сонли лицензиясига эга) томонидан тасдиқланган ва унинг барча муҳим жиҳатлари амалдаги қонун ҳужжатлари ва Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган.

Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банкнинг 2014 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботи тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида бор.

Хизматлар лицензияланган.

OBOD MANZILLAR

Намунавий уйлар қурилиши изчил давом этмоқда

Юртимиз қишлоқларида кўркам турар жойлар, замонавий инфратузилма объектларини барпо этиш, ҳудудларни янада ободонлаштириш жараёнида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки ўзининг молиявий хизматлари билан фаол қатнашаётгани эътиборга моликдир.

Хусусан, муассаса ташкил этилганидан буён ўтган йиллар давомида 39 720 та уй-жой қурилиши учун аҳолининг 1 777,8 млрд. сўмдан зиёд маблағлари ҳамда 2 591,6 млрд. сўм ҳажмидаги марказлаштирилган маблағлари ҳисобидан имтиёзли ипотека кредитларини йўналтирди.

2015 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ иштирокидаги уй-жойлар қурилишига жами 1 277,6 млрд. сўмлик маблағлар пудрат ташкилотларини молиялаштиришга ўтказилди. Шундан 759,5 млрд. сўм миқдоридаги сармоялар имтиёзли ипотека кредити асосида ажратилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиздаги бундай бунёдкорлик ишларида халқаро молия институтлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, 2011 йилда Осиё тараққиёт банки директорлар Кенгаши томонидан маъқулланган жами 500 млн. АҚШ доллари миқдоридаги «Ўзбекистонда қишлоқ жойларда уй-жойлар қуришни ривожлантириш» лойиҳасини кўп траншли молиялаш дастурига асосан бугунги кунда 362,4 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ томонидан ўзлаштирилиб, уй-жойлар қурилишини молиялаштиришга йўналтирилди.

Маълумки, жорий йилда Давлатимиз раҳбарининг «2015 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши дастури ва 2016 йилги қурилишнинг асосий параметрлари тўғрисида»ги 2282-сонли (2015 йил 7 январь) Қарори билан 2015 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар, ташқи муҳандислик ва транспорт коммуникациялари, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларини қуриш Дастури маъқулланган бўлиб, унга мувофиқ, республикамизнинг 149 та қишлоқ туманларидаги 292 та ер массивида умумий майдони 1682,3 минг квадрат метр бўлган умумий қиймати 1760,0 млрд. сўмлик 12 000 та якка тартибдаги уй-жой қурилиши режалаштирилган. Дастур бўйича қурилаётган намунавий уй-жойларни ўз вақтида молиялаштиришни таъминлаш учун эса, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, шунингдек, иштирокчи тижорат банклари ва «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ инжиниринг компанияси иштирокида тармоқ режа-графиги ишлаб чиқилиб, у Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланди.

«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ ўз стратегик вазифасидан келиб чиқиб, мазкур дастур ижросида фаол қатнашмоқда. Чунончи, ҳозирги кунда банк томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2015 йилги уй-жой қурилиши учун Осиё тараққиёт банкининг 82,0 млн. АҚШ доллари миқдоридаги, Ислом тараққиёт банкининг 100 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағларини жалб қилиш юзасидан ишлар ташкил қилинди.

Назира МАВЛОНОВА.

Замонавий уйлар —

Юртимизда амалга ошираётган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари, айниқса, қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшмоқда. Хусусан, замонавий архитектура-режалаштириш чора-тадбирлари натижасида қишлоқларда инфратузилма, аҳоли турмуш даражаси юксалмоқда.

Мана шундай устувор вазифалар ижросида эса, республикамиз тижорат банклари фаолияти муносиб ўрин тутмоқда. Айнан уларнинг молиялаштириш амалиётлари билан бугунги кунда юртимизнинг 1038 та қишлоқ массивларида жами 44 557 та намунавий уй-жой қурилиши амалга оширилди. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда ана шунча оиланинг ўз яшаш қўрғонига эга бўлганлигидан далолатдир.

Таъкидлаш жоиз, барча ҳудудларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган 3, 4 ва 5 хонали уйлар қурилишига 2013 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳам жалб этилган.

Чунончи, Президентимизнинг 2013 йил 4 январдаги «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2013 йил дастури тўғрисида»ги 1902-сонли Қарорига мувофиқ, мазкур муассаса ўтган вақт давомида Осиё тараққиёт банки иштирокида 2013 ва 2014 йил дастурлари бўйича намунавий уй-жойларнинг қурилиш-монтаж ишлари учун жами 486 млрд. сўм ҳажмида маблағ ажратди. Шунингдек, бу борадаги молиялаштириш тадбирлари учун фуқароларнинг бадал маблағлари ҳисобидан 197 млрд. сўмлик сармоя ҳам йўналтирди.

2015 йилги режага мувофиқ, муассаса 46 та массивда намунавий уй-жойларнинг қурилиш ва коммуникация ишлари учун жами 495 млрд. сўм миқдорида маблағ ажратишни режалаштирган. Шу билан бир қаторда, фуқароларнинг бадал маблағлари ҳисобидан 169 млрд. сўмлик молиялаштириш ишларини олиб бориш кўзда тутилган.

Хусусан, 2013 йил дастури бўйича республикамизнинг ➡

Бу уйларнинг остонаси райҳонли

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 17 июндаги «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори мамлакатимизнинг барча ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида уйлар қурилишида муҳим омил бўлаётир.

Ўтган йиллар давомида 44 минг 500 дан ортиқ оила кўркам уй-жойлар билан таъминланди. Жойларда қурилган уй-жойларнинг умумий майдони 6 млн. квадрат метрдан ошиб кетди. Ҳудудлар кесимида кузатадиган бўлсак, Қорақалпоғистон Республикасида 2 минг 330 дан ортиқ, Андижон вилоятида 4 мингга яқин, Самарқандда 4 минг 280 дан зиёд, Хоразмда салкам 3 минг 350 намунавий уй фойдаланишга топширилди. Янги уй-жойлар халқимизнинг ҳаёт тарзи, табиий иқлим шароити, шу билан бирга, замонавий муҳандислик коммуникациялари билан уйғун, баҳаво, ёруғ, кенг ва қулай барпо этилаётгани билан халқимизга манзур бўлмоқда.

Қишлоқ жойларда бунёд этилаётган намунавий уй-жойларга талаб кун сайин ошмоқда. Мисол учун, 2009 йилда қирқдан ортиқ қишлоқ массивида 847 уй-жой қурилган бўлса, жорий йилда икки юз тўқсондан зиёд аҳоли пунктида 12 мингта якка тартибдаги уй-жой қурилиши режалаштирилган.

*– Қишлоқ жойларда шинам уй-жойлар қурилиши бошланганида биз ҳам шундай уйларда яшашни ҳавас қилгандик, – дейди **Тошкент вилояти Паркент туманидаги Истиқбол маҳалласида яшовчи Ҳакима Пўлатова.** – Ниятинг – йўлдошинг деганларидек, орзуимиз ушалди. Яқинда ўғлим тўрт хонали уйга кўчиб ўтди. Невараларим худди шаҳардагидек шароитда, шинам ҳовлида ўсиб-улғаяётганини кўриб кўз қувонади. Илгари иморат солиш учун ер участкаси олиш, қурувчи уста ва қурилиш материаллари топиш унча-мунча одамнинг тинкасини қуритар эди. Ҳашар қилиб қурилган уйларнинг ками битмай, инсоннинг умри ўтарди. Энди-чи? Намунавий лойиҳа асосида қурилаётган уй-жойлар узоғи билан 7-8 ойда қуриб битказилмоқда.*

Ўтган йиллар давомида 44 минг 500 дан ортиқ оила кўркам уй-жойлар билан таъминланди. Жойларда қурилган уй-жойларнинг умумий майдони 6 млн. квадрат метрдан ошиб кетди. Ҳудудлар кесимида кузатадиган бўлсак, Қорақалпоғистон Республикасида 2 минг 330 дан ортиқ, Андижон вилоятида 4 мингга яқин, Самарқандда 4 минг 280 дан зиёд, Хоразмда салкам 3 минг 350 намунавий уй фойдаланишга топширилди.

*– Бизга шу ҳам бўлаверади, қишлоқ шароитида яна нима керак, деб юраверган эканмиз, – дейди **қизилтепалик фермер Раъно Валиева.** – Янги уйга кўчиб ўтиб, яхши яшаш қандай бўлишини тушундик. Фаровон турмушимиз учун шундай имконият яратиб берилган экан, унинг ободлигини таъминлаш бизнинг бурчимиз. Даламиз четида ўстирилган райҳонлардан келтириб дарвоза ёнига экдим. Қўшниларга ҳам тарқатдим. Ҳадемай, маҳалламизни райҳон ифори тутади.*

Ҳа, кейинги йилларда юртимизда қишлоқларни комплекс ривожлантириш, намунавий лойиҳадаги замонавий уй-жойлар бунёд этишнинг яхлит тизими шаклланди. Замонавий турар жойларни қуриш ва молиялаштириш, ер массивларини танлаш, аҳоли пунктларининг бош лойиҳаларини тузиш, қурилиш материаллари билан таъминлаш ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий механизмлар ишлаб чиқилди. Намунавий уйларни қурилиш материллари билан таъминлаш асосан маҳаллий корхоналар томонидан амалга оширилмоқда. Улар график асосида цемент, томёпқич, ғишт, иситиш жиҳозлари ва ойна сингари маҳаллий қурилиш материаллари ҳамда ➡

BANK FAOLIYATI

қишлоқ кўрки

16 та туман ва 37 та массивида 1 198 та намунавий уй-жойнинг қурилиши учун жами 166 млрд. сўмлик маблағ ажратилиб, шундан фуқароларга ажратилган узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари ҳисобидан 95 млрд. сўм ҳамда аҳоли омонатлари ҳисобидан 70 млрд. сўм ҳажмида молиялаштириш ишлари амалга оширилди.

2014 йилги дастур бўйича эса, юртимизнинг 25 та туман ва 41 та массивида 2019 та намунавий уй-жойнинг барпо этилишига жами 321 млрд. сўмлик маблағ ажратди (шундан 194 млрд. сўми фуқароларга ажратилган узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари ҳамда 127 млрд. сўми фуқароларнинг бадал маблағлари ҳисобланади).

Жорий йилда ҳам ТИФ Миллий банки томонидан қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. 2015 йилги режага мувофиқ, муассаса 46 та массивда намунавий уй-жойларнинг қурилиш ва коммуникация ишлари учун жами 495 млрд. сўм миқдорида маблағ ажратишни режалаштирган. Шу билан бир қаторда, фуқароларнинг бадал маблағлари ҳисобидан 169 млрд. сўмлик молиялаштириш ишларини олиб бориш кўзда тутилган.

Эслатиб ўтамиз, бугунги кунда ТИФ Миллий банки аҳолига кенг қулайликлар яратиш, хусусан, намунавий уй-жойлар бўйича ипотека кредитига эга мижозларга қўшимча имтиёзлар бериш мақсадида «Ҳисобли» омонатини амалиётга киритди. Ушбу омонат турида ҳисобланган фоизлар ҳар ойда жисмоний шахсларнинг қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши учун олган кредитининг фоизини қоплашга йўналтирилмоқда.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

Тадбиркорнинг ишончли ҳамкори

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

– Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда фермер хўжаликларини ривожлантириш мақсадида тижорат банклари кредитларини жалб этиш учун намунавий бизнес-режалар ишлаб чиқиш доимий эътиборда, – дейди ***Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш жамғармаси бошқаруви раиси Отабек Каримов.*** *– Бу жараёнда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сервис объектларини ташкил этишга оид лойиҳалар муҳим аҳамият касб этаётир.*

Буюртманомаларнинг тушишига қараб жамғарма кенгаши йиғилишлари ташкил этилиб, танловлар қисқа муддатларда ўтказилмоқда. Бунда тенглик, очиқлик ва холислик тамойилларига тўла риоя қилинмоқда. Танловда қатнашиш учун тақдим этиладиган дастлабки ҳужжатларнинг намунавий шаклини тижорат банкларининг филиаллари ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаларидан олиш мумкин.

Танловга тавсия этилаётган технологияларнинг янгилиги, ғояларнинг иқтисодий самарадорлиги, илғор ишланмалардан фойдаланилиши, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, маҳаллий хомашё ҳамда материаллардан фойдаланиш имконияти каби мезонларга алоҳида эътибор қаратилади.

Тижорат банклари томонидан лойиҳанинг истиқболлилиги аниқлангач, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқувчини – қонун ҳужжатларига мувофиқ лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича лойиҳалаш ташкилоти, инжиниринг ва консалтинг компаниясини аниқлаш юзасидан танлов эълон қилинади. Танлов таклифлари ва зарур ҳужжатлар қабул қилиниб, таклифлар баҳоланганидан кейин ғолиб аниқланади. Жамғарма ҳар бир лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш харажатларини энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда молиялаштиради.

Тадбиркорлар учун янада қулайлик яратиш мақсадида инвестиция лойиҳалари бўйича аризалар фондининг www.ffpd.uz электрон манзили орқали ҳам қабул қилинмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари буюртманомаларни тўғридан-тўғри pdf.fund@gmail.com электрон почта орқали тақдим этиши мумкин.

Инвестиция ғоялари бўйича лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқувчини аниқлашда нафақат унинг сифати ва тайёрлаш баҳоси, балки муддатларига ҳам эътибор берилаётгани лойиҳалар ижросини жадаллаштиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, 2014 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан 120 дан ортиқ буюртманома тушди. Бу 2013 йилга қараганда 34 фоиз кўп демакдир. Ушбу лойиҳаларнинг 33 таси жамғарма кенгаши томонидан маъқулланиб, молиялаштирилди. Етмишдан зиёд лойиҳани тижорат банклари молиялаштиришида кўмаклашилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида эса тадбиркорлик субъектларидан тушган буюртманомалар 2014 йилнинг шу даврига қараганда олтмиш фоизга ошди. Уларнинг фоиздан фондининг бевосита кўмагида амалга оширилганларига тижорат банклари 10,8 млрд. сўм миқдорида кредит ажратиши кутилмоқда. Мазкур лойиҳаларнинг аксарият қисми ишчи кучи нисбатан кўп бўлган ҳудудлар ҳиссасига тўғри келди.

Мисол учун, Наманган вилоятидаги «Lyuks Plyus Servis» корхонасига ажратилган 1 млрд. сўм эвазига тикиш цехи фаолияти кенгайтирилган бўлса, Қашқадарё вилоятидаги «Кумуш куз файзи» корхонаси қарийб 600 млн. сўм сармоя билан қурилиш ашёлари ишлаб чиқаришни бошлади. Сурхондарё вилоятидаги «Термиз механизация» корхонаси 232 минг доллар эвазига томат шарбати ва томат пастаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Тошкент вилоятидаги «Bioton» корхонаси 70 минг доллар эвазига биологик фаол қўшилмалар ва тиббиёт дори воситаларини ишлаб чиқаришни кенгайтирди.

Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш жамғармаси билан тижорат банклари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган. Жумладан, «Ўзсаноатқурилишбанк», «Агробанк», «Асака», «Ипак йўли», «Asia Alliance Bank» сингари молия муассасалари кўмагида инвестиция лойиҳаларига белгиланган маблағлар ўз муддатида йўналтирилмоқда.

Жамғарма фаолияти самарадорлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Марказий банк ҳамда Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда жойларда семинарлар ташкил этилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида кенг тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

ЎзА материали асосида.

маиший жиҳозларни пудратчиларга етказиб бермоқда.

Қурилиш сарф-харажатларининг аксарият қисми аҳолига банк томонидан берилаётган узоқ муддатли имтиёзли кредит ҳисобидан қопланмоқда. Энг муҳими, бу уйлар учун тўловларни бирданига эмас, балки 15 йил давомида аста-секин тўлаб бориш тартиби уй эгалари учун катта енгилликдир.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 7 январда қабул қилинган «2015 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши дастури ва 2016 йилги қурилишнинг асосий параметрлари тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишларни янада кенгайтиришда асос бўлмоқда.

– Мазкур қарорга кўра, намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жойлар учун ажратиладиган ипотека кредитларини қайтариш бўйича имтиёзли давр бир йилдан уч йилга узайтирилди, фоиз ставкаси дастлабки 5 йил учун 7 фоиз, қолган 10 йил учун Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида белгиланади, – дейди ***«Қишлоқ қурилиш банк» департаменти бошлиғи Зулайҳо Жўраева.*** *– Яна бир қулай жиҳати, қарз олувчининг ушбу кредитни қоплаш учун йўналтирилган даромадлари солиққа тортилмайди. Уй-жойларга оид кредитни қайтариш даври мобайнида унинг эгаси мулк солиғи тўлашдан ҳам озод қилинган. Шунингдек, якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси ҳар бир иморат солувчига олти сотихдан ажратилиб, улар белгиланган ҳудудларда кимошди савдолари ўтказилмасдан, умрбод эгалик қилиш учун берилади.*

Бундай эзгу ишлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида тизимга халқаро молия институтлари маблағлари ҳам жалб этилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 11 январда қабул қилинган Осиё тараққиёт банки иштирокида «Қишлоқ жойларда уй-жойлар қурилишини ривожлантириш» лойиҳасини кўп траншли молиялаштириш дастурини амалга оширишнинг биринчи навбатдаги чораларига оид қарори асосида Осиё тараққиёт банки кредитлари ажратилган бўлса, жорий йилдан Ислом тараққиёт банки билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. 2015 йилда Ислом тараққиёт банки йўналтирадиган 100 млн. доллар маблағ ҳисобига Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида 1 минг 100 уй-жой барпо этиш ва унинг инфратузилмасини шакллантириш режалаштирилмоқда.

Замонавий қишлоқларни барпо этишда аҳоли учун барча шарт-шароитни яратиш, одамлар ҳаётини янада обод ва фаровон қилиш бош мезон этиб белгиланган. Уларни электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви, иссиқлик, канализация билан таъминлаш, йўллар, кўприклар қуришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мисоя учун, жорий йилда 277 километрдан ортиқ сув таъминоти, 273,5 километр электр, қарийб 284 километр газ узатиш тармоқлари ва 244 километрдан зиёд автомобиль йўллари барпо этилади. Намунавий лойиҳалар асосида маиший, савдо, умумий овқатланиш шохобчалари, болалар спорти объектлари, қишлоқ врачлик пунктларини ўз ичига олган маҳалла гузарлари ташкил этилади.

Қишлоқларимизда барпо этилаётган замонавий уйлар, янги йўллар, сув, газ ва электр тармоқлари халқимиз фаровонлигини ошириш билан бирга энг чекка ҳудудларда ҳам шаҳардан қолишмайдиган шароитлар яратишда қўл келмоқда.

ЎзА.

QONUNCHILIKDAGI YANGILIKLAR

Янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақдим этамиз

Суғурта бадалларини якка тартибда ҳисобга олиш реестри ташкил этилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2015 йил 14 апрелда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадалларини ҳисобга олиш тизимини янада такомиллаштириш ва давлат пенсияларини тайинлаш жараёнини соддалаштириш мақсадида «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадаллари тўғрисидаги маълумотларни якка тартибда ҳисобга олишни жорий этиш чора-тадбирлари ҳақида»ги 90-сонли қарор қабул қилинди.

Мазкур реестр тақдим этиладиган солиқ ҳисоботларига мувофиқ шакллантирилади.

Ҳужжат билан белгиланишича, фуқароларнинг Пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадаллари суммалари тўғрисидаги маълумотлар ҳар бир жисмоний шахс бўйича иш берувчилар томонидан солиқ органларига фуқароларнинг Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлови ва суғурта бадаллари бўйича солиқ ҳисоботи таркибида белгиланган тартибда тақдим этилади, ҳисобот бериш:

2015 йилнинг биринчи ярим йиллигидан – Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти бўйича;

2016 йилнинг биринчи чорагидан – Ўзбекистон Республикасининг қолган барча ҳудудлари бўйича бошланади.

Давлат солиқ қўмитасига Суғурта бадалларини ҳисобга олиш реестрини юритиш бўйича дастурий таъминотни икки ой муддатда ишлаб чиқиш ва уни солиқ органларининг ягона интеграциялаштирилган ахборот ресурс базасига жорий этиш, шунингдек, Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадалларини якка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестрини шакллантириш ва юритиш тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш топширилди.

2016 йилдан бошлаб фуқароларга Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали фуқароларнинг ўтказилган суғурта бадаллари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш бўйича давлат интерактив хизматини жорий этиш режалаштирилмоқда.

Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услублари

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2015 йил 24 апрель куни «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4720-сонли Фармон имзоланди.

Фармон билан АЖнинг намунавий ташкилий тузилмаси маъқулланди ҳамда Корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Ҳужжатда белгиланишича, фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятларини танқидий ўрганиш натижаларига кўра, 364 акциядорлик жамияти ночор ва тугатилиши ёки бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклга айлантирилиши лозим, деб топилди.

Президентимизнинг 2015 йил 31 мартдаги ПҚ-2327-сонли Қарори билан ташкил этилган Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясига (кейинги ўринларда – Комиссия) мазкур АЖларни қайта ташкил этиш жараёнини 2015 йилнинг 1 октябрига қадар тугатиш устидан қатъий назорат ўрнатиш топширилди.

Комиссия давлат улушига эга акциядорлик жамиятларининг раҳбарлари таркибини 3 ой муддатда корпоратив бошқарувнинг замонавий услублари ва принциплари, менежмент ва маркетингни, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда уларни ишлаб чиқаришни бошқариш тизимида қўллай билиши бўйича аттестациядан ўтказиши лозим. Аттестация якунлари бўйича бўшаган лавозимларга янгича фикрлайдиган, замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали раҳбарлар, шунингдек, хорижий менежерларни жалб этиш чоралари кўрилади. 2015 йил 1 июлдан АЖ ижро органининг раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарор танлов асосида қабул қилинади.

Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчи касблари классификаторига *(Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 августдаги 181-сонли қарори билан тасдиқланган)* тегишли ўзгартишлар киритиш режалаштирилмоқда.

Қабул қилинган Фармон билан тугатиладиган Олий бизнес мактаби негизида Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказини ташкил этиш таклифи маъқулланди. Марказ зиммасига корпоратив бошқарувнинг ташкилий шакллари ва замонавий услубларини жорий қилишни, бошқарув ходимларини тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни таъминлаш вазифаси юкланди.

Бундан ташқари, 2015 йилнинг 1 июлидан АЖ ва бошқа хўжалик жамиятлари номларида уларнинг устав капиталида давлат улушидан қатъи назар, «давлат» сўзидан фойдаланиш тақиқланди.

2015–2018 йилларда барча АЖ йиллик молиявий ҳисоботни нашр этишга ва Халқаро аудит стандартлари ҳамда Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ташқи аудитни ўтказишга ўтади.

Фармон билан акциядорлик жамиятлари қуйидаги тўловлардан озод қилинади:

бошқарув ходимлари сифатида жалб қилинган хорижий мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондидан ЯИТ тўлашдан;

хорижий мутахассисларнинг бошқарув ходимлари сифатидаги фаолиятидан олган даромадлари даромад солиғи, тўлов манбаидан олинадиган даромад солиғи, шунингдек, фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланадиган мажбурий суғурта бадалларидан.

Рухсатноманинг амал қилиши тўхтатилиши ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 16 апрелдаги 93-сонли қарори билан 2014 йил 11 декабрдаги ЎРҚ–381-сонли Қонунга мувофиқлаштириш мақсадида айрим қарорларга ўзгартиришлар киритилди.

Хусусан, рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисида сабаблар ва қонун ҳужжатларидаги нормалар кўрсатилган ҳолда аризачига ёзма равишда хабар қилиш муддати 3 иш кунидан 1 иш кунига қисқартирилди.

Қуйидагилар учун янги муддатлар белгиланди:

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги – ЎзМАА матбаа корхонасининг рўйхатга олинганлиги ҳақидаги гувоҳномаси амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилганда, бу ҳақда, қарор қабул қилинган кундан бошлаб 1 иш кунидан кечиктирмай, ИИВнинг тегишли ҳудудий органига хабар қилади;

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси – озонни бузувчи моддаларни ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни олиб кириш (олиб чиқиш) шартлари бузилган тақдирда, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси белгиланган тартибда рухсатноманинг амал қилиш муддатини 10 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ёки уни бекор қилиш ҳуқуқига эга ҳамда бу ҳақда 1 иш кунидан кечиктирмай Давлат божхона қўмитасини ва ариза берувчини мажбурий тартибда хабардор қилади;

«Ўзархив» агентлиги – архив ҳужжатлари ёки уларнинг ўрнини босувчи нусхаларини олиб чиқиш ёки вақтинча олиб чиқиш ҳуқуқи учун рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш ёки тугатилиши тўғрисидаги қарори ҳақида ариза берувчига ёзма шаклда, у қабул қилинган кундан бошлаб 1 иш куни мобайнида етказилиши керак;

Дававианазорат – сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, сабаблари ва қонун ҳужжатларидаги нормалар кўрсатилган ҳолда ариза берувчини ёзма шаклда, у қабул қилинган кундан бошлаб 1 иш куни мобайнида хабардор қилади;

Марказий банк – рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, сабаблари ва қонун ҳужжатларидаги нормалар кўрсатилган ҳолда ариза берувчини ёзма шаклда, у қабул қилинган кундан бошлаб 1 иш куни мобайнида хабардор қилади.

Шунингдек, Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг *(Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартдаги 57-сонли қарори билан тасдиқланган)* 38-банди олтинчи хатбошисига ўзгартириш киритилди. Энди ННТнинг алоҳида бўлинмасини ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризага давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси эмас, балки гувоҳноманинг нусхаси илова қилинади.

«Norma» МЧЖ ҳуқуқшунос-экспертлари томонидан тайёрланди.

XIZMATLAR BOZORI

Тадбиркорлик ривожи учун молиявий имтиёзлар

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг тез ўзгарувчан, бозор талабларига жавоб берувчи, замонавий тузилмаларни шакллантиришда, янги иш ўринларини ташкил этишда ва аҳоли даромадларини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Молия хизматлари бозорида ўз етакчи мавқеини сақлаб келаётган «Асака» давлат акциядорлик-тижорат банкининг Шайхонтоҳур филиали мижозларга банк хизматларини, жумладан, ҳисоб-касса хизматлари, пул маблағларини сақлаш, миллий ва хорижий валютада кредитлар ажратиш каби хизматларни тақдим этаяпти.

Биргина тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида банк томонидан ажратилаётган кредит маблағлари ҳажми йилдан-йилга ортиб, ўзининг муносиб натижаларини бериб келмоқда.

Хусусан, банк филиалининг кредит портфели ҳажми 2015 йил 1 апрель ҳолатига 70,9 млрд. сўмдан ортди. Кредит қўйилмаларининг асосий қисмини узоқ муддатли кредитлар ташкил этди.

«Асака» банк Шайхонтоҳур филиали томонидан жорий йилнинг январь-март ойлари мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 16,0 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Мазкур маблағлар Тошкент шаҳрида ишлаб чиқариш, сервис ва хизмат кўрсатиш кўламлари кенгайишига, ҳудуд иқтисодиёти ва ижтимоий турмушини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Шу қаторда филиал томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 2,1 млрд. сўм, ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун 2,4 млрд. сўм миқдоридаги кредит хизматлари кўрсатилди.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ва моддий-техникавий салоҳиятини тубдан мустаҳкамлашга ҳам эътибор билан қаралмоқда. Хусусан, «Agro prom holding» масъулияти чекланган жамиятининг банк билан молиявий соҳалардаги ҳамкорлиги бунга мисолдир. Ушбу хўжалик банкнинг кредит сармояси туфайли парранда-чиликни йўлга қўйиб, яна 6 та янги иш ўрни яратишга муваффақ бўлди.

Мазкур йўналишдаги ишлар жорий йилда ҳам қизғин давом эттирилади. Банк филиали соҳа ривожи учун 90,0 млрд. сўм миқдорида кредит маблағларини ажратишни режалаштирган, шу қаторда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси истиқболи учун 6,5 млрд. сўм, аёллар тадбиркорлигини ташкил этиш ва фаолиятини кенгайтириш учун 3,6 млрд. сўм, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун эса 12,4 млрд. сўм миқдорида кредит маблағларини ажратишни мақсад қилган.

– Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён биз каби тадбиркорлар фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун катта имкониятлар яратиб келинмоқда, – дейди ***«BUILD TECH LEASING» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шавкат Заитов.*** *– Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган корхона, фирмаларга, шу жумладан, шаҳримизда хизмат кўрсатаётган ташкилотларга лизинг хизматлари кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларини етказиб берувчи автотранспорт воситаларини сотиб олиш ниятида «Асака» банкнинг Шайхонтоҳур филиалига мурожаат этдик. Банк ходимлари томонидан қисқа вақт ичида имтиёзли шартлар асосида тақдим этилган кредит маблағи эвазига корхонамиз мамлакатимизда ишлаб чиқарилган 20 дона юк ташувчи ва қурилиш материалларини етказиб берувчи автотранспорт воситаларини сотиб олди. Лойиҳа амалга оширилиши нафақат корхонага, балки маҳаллий аҳоли вакилларига ҳам ижобий таъсирини кўрсатди. Хусусан, 35 та бўш иш ўрни яратилиб, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ҳам ишга қабул қилдик. Ўтган йилнинг ўзида мижозларга қарийб 2,0 млрд. сўм миқдорига тенг хизмат кўрсатган бўлсак, жорий йилги режаларимиз бунданда юксак. Буни амалга оширишимизда ишонамизки «Асака» банк жамоаси бизни қўллаб-қувватлайди.*



Бир сўз билан айтганда, филиал молия бозорида истиқболли, жадал ривожланаётган, бозор муносабатларига ўз вақтида муносабат билдираётган, мижозларга кўрсатилаётган хизматлар кўламини доимо кенгайтираётган банк сифатида ўз ўрнини тобора мустаҳкамлаб, мижозлар ишончини қозониб келмоқда.

Ёркин ОЧИЛОВ.

Солиқ билимлари — болаларга

Тошкент солиқ коллежида умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасидаги «Солиқ билимлари – болаларга» кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази билан ҳамкорликда анъанавий равишда ўтказиб келинмоқда. Ундан кўзланган мақсад ёшларнинг солиқ соҳасига бўлган қизиқишини ошириш, солиқлар ва солиқ тўловларининг ижтимоий аҳамиятини тушунтириш, ҳуқуқий билимларини бойитиб боришдан иборат. Танловда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда йўналишлар бўйича биринчи ўринни эгаллаган 56 нафар ёш иштирок этди.

Мамлакатимизда ёшларнинг солиқ соҳасига оид билимларини ошириш, уларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини биладиган ижтимоий фаол бўлишини таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилаётир. Ўқувчиларнинг солиқ қонунчилиги бўйича билим даражасини янада мустаҳкамлаш мақсадида уларга «Иқтисод ва солиқ сабоқлари», «Солиққа тортиш асослари», «Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш тартиби», ноиқтисодий йўналишдаги олий таълим муассасаларида талабаларга «Солиқ ва солиққа тортиш» дарслик ва ўқув қўлланмалари ўқитилмоқда.

Кўрик-танлов 1-4-синф ўқувчилари ўртасида «Солиқ мавзусининг суратлардаги тасвири», 5-9-синф ўқувчилари ўртасида «Солиқ мавзусининг ҳикояларда акс эттирилиши», академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ёшлари ўртасида «Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати» мавзусидаги энг яхши иншо ҳамда «Солиқлар нимага тўланади ва нималарга сарфланади?» мавзусидаги энг яхши компьютер тақдимоти каби йўналишлар бўйича ўтказилди.

– Танловда «Солиқлар нимага тўланади ва нималарга сарфланади?» мавзусидаги компьютер тақдимотим билан қатнашдим, – дейди ***Жиззах иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш коллежи иккинчи босқич ўқувчиси Шоҳжаҳон Машрабов.*** *– Келажакда фаолиятимни шу соҳада давом эттириш ниятидаман.*

Бухоро шаҳридаги 34- ва 23-умумтаълим мактаблари ўқувчилари Лазиза Салимова ва Нозима Ҳакимова, Тошкент солиқ коллежи ўқувчиси Нилуфар Исмоилова ва Нукус давлат педагогика институти қошидаги 1-академик лицей ўқувчиси Нурлиман Алламуратова турли йўналишлар бўйича биринчи ўринга сазовор бўлди.

Ғолиб ва совриндорлар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

ЎзА.

Ишлаб чиқариш амалиёти

Янгийўл ижтимоий-иқтисодиёт коллежи II босқич ўқувчилари дастур бўйича ҳар йил ишлаб чиқариш амалиётини корхона-ташкилот, банк-молия муассасаларида ўтаб, ўзларининг олган назарий билимларини амалда кўрсатиб қайтишади.

Мазкур коллежнинг «Банк иши» йўналиши 6.13 гуруҳи ўқувчилари ишлаб чиқариш амалиётига доир ҳисоботларини ноанъанавий тарзда ҳимоя қилиб, билимларини яна бир карра синовдан ўтказди.

Турли банк филиаллари, корхона ва ташкилотлар мутахассислари таклиф этилган ушбу ўзига хос имтиҳонда ота-оналар ҳам қатнашди.

Ўқувчилардан А.Абдураҳмонов, З.Қиличхўжаева, С.Акбарова, Н.Холқузиева амалиётдан олган кўникмаларини банк меъёрий ҳужжатлари асосида тўлиқ ёритиб, мутахассисларнинг ижобий баҳосини олишга эришди.

Коллеж директори А.Хушвақтов сўзга чиқиб, ташриф буюрган банк филиали ва корхона-ташкилот мутахассисларига ва ота-оналарига миннатдорлик билдириб, ўқувчиларга келгуси ўқиш ва ишларида омадлар тилади.

Зулхумор ҚУРБОНОВА,
Янгийўл ижтимоий-иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси.

Нефть-газ ва энергетика равнақи сари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

– 2007 йилдан буён нефть-газ саноати учун ностандарт ускуналар ишлаб чиқариш билан шуғулланамиз, – дейди ***«Energy progress metall» компанияси раҳбари Зарифа Дусенова.*** *– Маҳсулотларимиз тўла импорт ўрнини босади. Ҳозирда Ўзбекистон нефть-газ тармоғидаги корхоналарнинг 50 фоизи бизнинг ускуналарни харид қилишмоқда. Корхонамизнинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 5 млрд. сўмни ташкил этади.*

Етакчи хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг назоратўлчаш, бурғилаш, нефть ва газ ускуналари, иссиққа бардош берувчи ҳамда қийин эрийдиган маҳсулотлари, автомобилга газ қуйиш компрессор станциялари учун замонавий технологиялар кўргазма майдонининг 70 фоиз жойини олган кўп сонли чет эллик иштирокчилар стендлари орқали тақдим этилди.

Кўргазманинг иккинчи ва учинчи кунлари дастур бўйича халқаро илмий-техникавий конференция давом эттирди. Унда 400 дан ортиқ жаҳоннинг йирик нефть компаниялари раҳбарлари ҳамда соҳа мутахассислари иштирок этди.

«Power Uzbekistan-2015» халқаро кўргазмасида эса, жорий йилда 40 дан ортиқ хорижий ва маҳаллий компаниялар ўз маҳсулот ва хизматларини намойиш этди. Унда кўргазманинг «Энергетика», «Энергетика тежамкорлиги», «Энергиянинг муқобил манбалари» каби бўлимларига алоҳида урғу берилди.

«Power Uzbekistan-2015» стендларида электротехника ускуналари, электрщитлари ва энергетика ускуналари, электр пайвандлаш, юқори вольтли арматура, шунингдек, энергетика иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш ҳамда электр двигателлари учун чулғамлар, микропроцессорли жавонлар, электр станциялари учун ҳимоя воситалари ва автоматика, ҳисоб жиҳозлари ва тизимлари ўрин олиб, улар ташриф буюрувчилар эътиборини жалб қилди.

Жорий йилда Ўзбекистон энергетика тармоғига Европа компаниялари катта қизиқиш билдириб, кўргазма экспонентлари орасида биринчи маротаба электротехника, энергетика машинасозлиги ва ахборот технологиялари соҳасига ихтисослашган Швеция-Швейцариянинг ABB компанияси иштирок этди.

– ABB гуруҳлари бугунги кунда жаҳоннинг юзга яқин мамлакатида фаолият юритиб, унинг штатлар бирлиги 140 минг нафар мутахассисни ўз ичига олади, – дейди ***компаниянинг Қозоғистондаги гуруҳи вакили Эльвира Кикбаева.*** *– Ўзбекистонда мазкур компания «Energy power solution» корхонаси билан ҳамкорликка эга.*

Гулшан ЮСУПОВА.

Темир йўл соҳасининг ривожи

Миллий матбуот марказида «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик компаниясининг 2015 йил биринчи чорак якунлари ва электрлаштириш лойиҳаларига бағишланган анжуман ўтказилди. Унда компания бошқаруви раҳбарлари, бошқарма бошлиқлари, тегишли корхона-ташкилотлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирда компания томонидан 2015 йил биринчи чораги мобайнида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник-технологик қайта жиҳозлашни жадаллаштиришга йўналтирилаётган фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, компания иқтисодий барқарорлигини таъминловчи кўрсаткичларнинг бажарилишига эътибор қаратилгани таъкидланди.

Шу қаторда компаниянинг молиявий ҳолати борасида ҳам маълумотлар берилди. Хусусан, темир йўл станцияларидан 2015 йилнинг январь-март ойларида 16,6 млн. тонна (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 670 минг тоннадан зиёд) юк ортилиб, ўз манзилига етказилди. Натижада компания бўйича юк айланма ҳажми 4 535 млн. тн.ни ташкил этди.

– Ҳозирда «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси томонидан Самарқанд-Бухоро электрлаштирилган юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлари ҳаракатини йўлга қўйиш ишлари олиб борилмоқда, – дейди ***«Ўзбекистон темир йўллари» АКнинг Инвестиция департаменти бошлиғи ўринбосари Алишер Жўрақулов.*** *– Мазкур лойиҳа учун компания томонидан жами 387 млн. доллар маблағ ажратилган бўлиб, ундан 75 млн. доллари «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг сармоясидир. Компаниямиз бундан ташқари республикамизнинг ТИФ Миллий банки хизматидан ҳам унумли фойдаланиб келмоқда. Ўйлайманки, мазкур банклар бундан кейинги истиқболли лойиҳаларимизни амалиётга татбиқ этишимизда ўз капиталлари билан фаол кўмаклашади.*

Компаниянинг саноат корхоналарида 69,1 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ҳамда шу билан биргаликда янги юк ва йўловчи ташиш вагонлари қуриш, мавжудларини таъмирлаш, модернизация қилиш, қайта тиклаш бўйича самарали ишлар олиб борилди. Белгиланган режа 107 фоизга бажарилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 437 та вагоннинг хизмат муддати узайтирилди. Улардан 138 таси ёпиқ, 21 таси платформа, 111 яримвагон 52 таси цистерна ва 115 таси бошқа вагонлардир. Ушбу давр мобайнида жами 22 та локомотив таъмирланиб, 44,3 км. темир йўл реабилитация қилинди. 20 км.лик янги темир йўл қурилиши ниҳоясига етказилди.

Ҳозирда Мароканд – Қарши, Қарши – Термиз, Самарқанд – Бухоро электрлаштирилган лойиҳалар ҳамда Ангрен – Поп йўналишларида электрлаштирилган темир йўл қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, ҳисобот даврида компанияда кўрсатилган экспорт хизматлари ҳажми 78,3 млн. долларни ташкил этиб, йўловчи айланмаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 188 мингга ортиб, 4,6 млн. йўловчи ўз манзилларига етказилгани, Маҳаллийлаштириш Дастури доирасида 34,5 млрд. сўмлик 24 та лойиҳа режалаштирилиб, мазкур лойиҳалар бўйича 7,9 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилгани хусусида ҳам айтиб ўтилди.

Келгусида қурилаётган объектларда замонавий автоматлаштирилган диспетчерлик бошқаруви, шунингдек, электр энергия сарфини ҳисоб-китоб қилишни автоматлаштириш тизмини (АСКУЭ) қўллаш режалаштирилган.

Ёркин ОЧИЛОВ.

Акциядорлик жамиятлари фаолиятига бағишланди

Республика Биржа марказида Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази томонидан ўтказилган семинар Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросига бағишланди.



Мулкчилик шакллари орасида акциядорлик бирлашмалари кенг тарқалган, иқтисодиётда ўзини тўла оқлаган бошқарув шаклларидан бири ҳисобланади. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самарасида ҳозирги кунда Ўзбекистонда 1 минг 100 дан зиёд шу турдаги корхона фаолият кўрсатмоқда.

Президентимизнинг 2014 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, акциялаштириш жараёнини ривожлантириш кўламининг ўсиб бораётгани корпоратив бошқарув ва акциядорлик жамиятлари фаолиятидан тушадиган даромадларни тақсимлаш тизими ҳамда хусусийлаштириш жараёнининг бошқа бир қатор йўналишларида ҳал этилмаган кўплаб муаммолар мавжудлигини яққол кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мазкур йўналишдаги ишларни янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда юқоридаги ҳужжатда давлат улушига эга акциядорлик жамиятларининг раҳбарлари таркибини корпоратив бошқарувнинг замонавий услублари ва тамойиллари, менежмент ва маркетингни, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда уларни ишлаб чиқаришни бошқариш тизимида қўллай билиши бўйича аттестациядан ўтказиш ва унинг якунлари бўйича бўшаган лавозимларга янгича фикрлайдиган, замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали раҳбарлар, шунингдек, хорижий менежерларни жалб этиш чораларини кўриш белгилаб берилганлиги таъкидланди.

– Фармонда миноритар акциядорларнинг акциядорлик жамиятларини стратегик бошқариш, бошқарув ходимларининг фаолиятини назорат қилишни таъминлашдаги ролини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган, – дейди ***Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи Раъно Носирова.*** *– 2015 йилнинг 1 июлидан эътиборан акциядорлар, жумладан, миноритар акциядорлар хўжалик судига уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилгани ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қилганда, уларга давлат божини тўлаш муддати узайтирилади ва бу бож айбдор томонидан ундирилиши белгиланди.*

Семинарда мазкур фармоннинг моҳияти ва мазмунини кенг жамоатчиликка тушунтириш юзасидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида семинар ва давра суҳбатлари ўтказилаётгани қайд этилди. Иштирокчиларнинг саволларига мутахассислар атрофлича жавоб берди.

ЎзА.

DUNYOGA NIGOH

Фоиз ставкалари яна пасайди

Хитой Халқ банки омонат ва кредитлар бўйича базавий фоиз ставкасини 0,25 фоизга пасайтириши ҳақида эълон қилди. Йиллик депозитлар ставкаси 2,25 фоизга, йиллик кредитлар ставкаси 5,1 фоизгача пасайтирилди.

«The Wall Street Journal» нашрининг ёзишича, бу пасайиш 2014 йил ноябрдан буён учинчи бор кузатилмоқда.

Бундан ташқари, мулкчилик бозорини стимуллаштириш ва экспортни қўллаб-қувватлаш мақсадида кредит-молия муассасаларига омонатлар бўйича ставка миқдори 1,5 баробар ошириши мумкинлиги белгиланди. Унга қадар ушбу кўрсаткич 1,3 баробарни ташкил этар эди.

2015 йилнинг I чорагида ХХРнинг иқтисодий ўсиш суръати йиллик ҳисобда 7 фоизга пасайди, бу сўнгги 6 йил ичидаги энг паст кўрсаткич ҳисобланади.

Эслатиб ўтамиз, Хитой Халқ банки ХХРнинг Марказий банки вазифасини ўтайди.

Биткоинни биржага олиб чиқиш илинжида

«Los Angeles Times»да келтирилишича, Американинг янги лойиҳаси «ItBit Trust Co.» Нью-Йорк штати раҳбариятидан доллар/биткоин жуфтлигида савдо ишларини амалга оширишга рухсат олди.

Ушбу рухсатнома АҚШнинг барча штатларида икки валютада ҳам қонуний асосда битимлар тузишга имкон беради. Маҳаллий ҳукумат қарори билан энди ушбу янги валюта расмий майдонда ўз ўрнига эга бўлади.

«ItBit Trust Co.»нинг ҳамасосчиси ва ижрочи директори Чарльз Каскарилланинг айтишича, ушбу қарор криптовалютани янги даражага олиб чиқади. Компаниянинг савдоси бошланиши учун капитализациянинг тегишли даражасига эришиш, шунингдек, суғурта фондини шакллантириш керак. Компания криптовалютадаги савдони тезроқ бошлаш мақсадида 25 млн. доллар миқдоридаги маблағни жалб этиш ниятида.

«Айни кезда биткоинлардан тенг ҳуқуқли молиявий восита сифатида фойдаланилмаяпти. Криптовалюта АҚШда доимий қўлланилиши бўйича ҳуқуқий асосга эга бўлмагунга қадар бизнинг компания ушбу валютавий жуфтликда мижозларга хизмат кўрсатмайди», – деди Каскарилла.

Аввалроқ маълум қилинганидек, биткоинлар агрегатори «Goldman Sachs ва IDG»дан 50 млн. АҚШ доллари олиши кутилмоқда.

Германияликлар ҳанузгача иккиланмоқда

Германия аҳолисининг ярмидан ортиғи евронинг ютуғидан кўра, камчилиги кўп, деган фикрда, дейилади «Deutschen Wirtschafts Nachrichten» журнали томонидан ўтказилган ижтимоий сўров натижаларида.

Деярли 20 фоиз респондентлар ягона Европа валютасига ишонмаслигини маълум қилган.

Германияликлар тахминан 13 млрд. марка миқдоридаги валютани хонадонларида сақлаб келаётган бўлиб, еврога айирбошлашни исташмаган. Улар, айниқса, 1999 йилдан 2014 йилга қадар ўтказилган ягона валютанинг девальвациясидан норози.

Сўров иштирокчиларининг салбий муносабати асосан хориждаги харажатлар қимматга тушаётгани билан боғлиқ экани маълум бўлди. Масалан, Швейцария маҳсулотлари нархи уларга қимматлик қилмоқда. Январга қадар евронинг курси тахминан 1,2 Швейцария франкига тенг бўлган бўлса, кейинроқ ушбу кўрсаткич янада юқорилаб кетди.

Visa собиқ шўъба корхонасини қайта сотиб олмоқчи

«Bloomberg»нинг маълум қилишича, «Visa» компанияси собиқ шўъба корхонаси ҳисобланмиш «Visa Europe»ни сотиб олиш бўйича дастлабки келишувларни юритмоқда.

Таъкидланганидек, битим миқдори 15-20 млрд. долларни ташкил этиши мумкин.

Хабарда айтилишича, келишувлар дастлабки хусусиятга эга бўлиб, икки компания ҳам четдан маслаҳатчиларни жалб этган.

SPA: тўлов карталар сони 2 млрд.дан зиёд

2014 йилда дунё бўйича 2,05 млрд. дан ортиқ чипли тўлов картаси муомалага чиқарилган, дейилади Smart Payment Association (SPA) берган баёнотда. 2011 йилда 1 млрд. чипли карта ишлаб чиқарилган бўлиб, уч йил мобайнида ушбу кўрсаткич икки баробарга ортди.



Бундай фаол ўсиш Америка ва Хитой бозорининг кенгайтирилиши, шунингдек, ўтган йили ишлаб чиқарилган контактсиз карталарнинг сони ортгани туфайли юзага келгани қайд этилмоқда.

«Қулайлик ва хавфсизлик контактсиз тўловлар бозорининг ўсишига олиб келди. Ретейлер борган сари янгича тўлов усулидан фойдаланишни маъқул кўрмоқда ва бу билан мижозларга қулай ҳолатда тезкорлик билан хизмат кўрсатилиб, уларнинг навбатда туриб қолиши ҳолатларига чек қўйилмоқда», – дейди SPA президенти Николас Раффин.

БРИКСнинг илк президенти

Ҳиндистон ҳукумати БРИКС янги тараққиёт банкининг биринчи президенти лавозимига ICICI тижорат банкининг раҳбари Кундапур Ваман Каматх номзодини тасдиқлади, дея ёзилади «The Times of India» нашрида.

Каматх банкни дастлабки олти йил бошқариб, раислик ваколати тугаганидан кейин Бразилияга кўчиб кетиши кутилмоқда. У Ҳиндистоннинг энг машҳур банкчиларидан бири ҳисобланади.

Аввалроқ маълум бўлганидек, Россия Марказий банки раҳбари Эльвира Набиуллина БРИКС тараққиёт банкининг резерв валюталар кенгашида Россия манфаатини ҳимоя қилади.

Сурат ёрдамида ёш ва жинсни аниқлайдиган дастур

«Microsoft» компанияси сурат асосида инсоннинг ёши ва жинсини аниқлайдиган хизматни ишга туширди.

Ушбу хизмат фойдаланувчига суратни юклаш ва тизимни баҳолаш имкониятини тақдим этади. Илк маротаба мазкур дастур «Build-2015» конференциясида намойиш этилган эди.

Лойиҳа муаллифлари ушбу хизматнинг машҳурлиги юқори даражада бўлишини кутмаган эди. Дастлабки уч соат мобайнида 35 минг киши мазкур хизматни синаб кўрди. Қизиғи шундаки, уларнинг 29 минг нафари туркиялик фойдаланувчилар. Шундан кейин янги ресурс билан қизиқувчилар сони соат сайин ортиб борди.

Шунга қарамай, дастур ҳар доим ҳам тўғри натижани қайд этавермади ва ёшни, ҳаттоки жинсни тўғри аниқлашнинг ҳам имкони бўлмади. Айтишларича, сўнгги натижага суратдаги ёруғликнинг даражаси, инсоннинг қайси ракурсда туриши, юздаги ҳолатлар каби бир қатор омиллар таъсир кўрсатади.

Иловада юзни таниш ва излаш технологиясини ўзида жамловчи Facedetection API, Bing API дастурлари қўлланилган бўлиб, реал вақт доирасида таҳлил қилувчи PowerBI дастурининг айрим вазифаларидан ҳам фойдаланилган.

Соф фоиз 5 баробарга ортди

Франциядаги Societe Generale банкининг 2015 йил I чорагидаги соф фоизи 868 млн. еврони ташкил қилди. Бу эса йиллик ҳисобда 5,1 баробарга ўсиш демакдир, дейилади «Bloomberg» агентлиги хабарида.

Таҳлилчилар ушбу кўрсаткич 770 млн. евродан иборат бўлиши ҳақида тахмин қилишганди. Тушумлар кўрсаткичи 12 фоизга ортиб, 6,35 млрд. еврога тенг бўлди.

Ахборот ва статистика бўлими томонидан Интернет материаллари асосида тайёрланди.

XABARLAR, VOQEALAR

Озиқ-овқат саноатидаги ютуқлар

Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси томонидан жорий йилнинг 12 май куни «Озиқ-овқат саноати корхоналари ишлаб чиқариш салоҳиятини такомиллаштириш – озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим омили» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Қисқа вақт ичида озиқ-овқат мустақиллигини таъминлаш бўйича мақсадли дастурлар ишлаб чиқилиб, унинг ижроси таъминланди. Натижада озиқ-овқат саноати республикамизда асосий тармоқлардан бирига айланди, ҳозирда унинг саноатидаги улуши 16,21 фоизни ташкил этмоқда.

Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси бўйича жорий йилнинг I чорагида 991,1 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 125,5 фоизга таъминланди. Республика бўйича 2,9 трлн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилишига эришилди.

Шунингдек, чорак давомида 98 номдаги янги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Шундан 79 таси қандолат, 5 таси ёғ-мой, 7 таси мева-сабзавот консервалари, 3 таси гўшт ва 4 таси сут маҳсулотларидир.

Январь-март ойларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун 3,29 млн. доллар миқдорида сармоя йўналтирилган бўлса, мазкур давр мобайнида 50,59 млрд. сўм миқдоридаги маблағ эвазига 141 та лойиҳанинг ижроси таъминланди. Натижада 1193 та бўш иш ўрни яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2015 йил давомида 389,8 млрд. сўмлик маблағ ҳисобига 983 та инвестиция лойиҳалари ижросини таъминлаш ва пировардида 10 575 та янги иш ўринларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Жорий йилда Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси бўйича рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш доирасида 20 та лойиҳа амалга оширилиши ва 61,7 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилиши режага киритилди.

– Ҳозирда саноат маҳсулотларининг сони билан бирга унинг сифати ҳам ўсиб бормоқда, – дейди ***Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси эксперти Фаҳриддин Калонов.*** *– Бу орқали маҳсулотларнинг экспорт ҳажмининг ортишига эришмоқдамиз. Келгусида улкан натижаларни қўлга киритиш мақсадида халқаро сифат менежментини жорий этишга алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Маълумки, маҳсулот сифати ISO талабларига жавоб бермаса уни экспорт қилиш имкони йўқ. Шунинг учун мазкур стандартни жориш этиш ҳар бир корхонанинг асосий вазифасига айланган. Бугунги кунда уюшма ҳузурида 200 дан ортиқ корхоналар мавжуд бўлса, уларнинг 40 фоиздан зиёди ISO халқаро стандартларига эга. Яна бир нарсани таъкидлаш жоизки, корхоналаримизнинг катта қисмини мева-сабзавотларни қайта ишлаш тармоғи ташкил этади. Бу йил республикамизда ноқулай об-ҳаво шароити туфайли мевалар тақчиллиги сезилиши кутилмоқда. Айнан шуни инобатга олган ҳолда кўпроқ сабзавот маҳсулотларини экишга эътибор қаратмоқдамиз. Уюшма ва корхоналарга қарашли ер майдонларининг 50 минг гектардан зиёдига қўшимча тарзда сабзавот маҳсулотларини экиб, уни қайта ишлаш орқали мева тақчиллигини бартараф этишни мақсад қилганмиз.*

Анжуманда таъкидланганидек, озиқ-овқат саноатини ривожлантириш борасида яратилаётган шарт-шароитлар мазкур соҳада республикамизнинг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишига замин яратади.

Рашид МИРЗАКАРИМОВ.

Янги йўналишда илк парвоз

Йўловчи ташиш самолётларини юк ташувчи ҳаво кемаларига қайта жиҳозлаш лойиҳаси асосида қайта жиҳозланган «Боинг-767-300BCF» авиалайнери Навоий халқаро аэропортидан Навоий-Шанхай йўналиши бўйлаб юк ташиш парвозини бошлади.

Президентимизнинг 2014 йил 12 майдаги «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг иккита «Боинг-767-300ER» йўловчи ҳаво кемаларини юк ҳаво кемаси этиб қайта жиҳозлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисидаги Қарори асосида Ўзбекистон миллий авиапарки замонавий иккита ҳаво кемаси билан бойиди. Натижада дунёнинг турли мамлакатларига юк ташиш имконияти кенгайди.

Бугун Навоий шаҳри аэропорти негизида ташкил қилинган халқаро логистика маркази орқали турли давлатларга парвозлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ҳиндистон, Хитой ҳамда Европа, Жануби-Шарқий Осиёга юклар ташилмоқда. Маълумотларга кўра, ушбу марказ фойдаланишга топширилганидан буён ўтган вақт мобайнида 200 минг тоннадан зиёд юк ташилган.

Ҳафтада икки маротаба Навоий-Шанхай-Навоий йўналишида парвоз қиладиган авиалайнер 56 тоннадан ортиқ юкни ташиш қувватига эга. Шанхайга парвоз қилган ҳаво кемаси белгиланган манзилдан Навоийга юк олиб келади. Янги йўналиш бўйлаб парвоз қилаётган ҳаво лайнерлари энди Амстердам, Мумбай ҳамда Франкфурт шаҳарларига қатновларни амалга оширади.

ЎзА.

Маданий алоқалар мустаҳкамланмоқда

Нукусда Ўзбекистон Бадиий академияси, Икуо Хираяма номидаги халқаро маданият карвонсаройи ҳамкорлигида «Япония маданияти кунлари» ўтказилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қўмита раиси Баҳамдулла Нурабуллаев, Икуо Хираяма номидаги халқаро маданият карвонсаройи директори Фаррух Усмонов ва бошқалар Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ҳамкорлик турли йўналишлар, жумладан, маданият ва санъат соҳасида ҳам изчил ривожланаётганини таъкидлади.

Икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш, халқимизни Япония маданияти билан яқиндан таништириш мақсадида ўтказилаётган тадбир доирасида Ўзбекистон Бадиий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими кўргазмалар саройида «Мўйқаламнинг енгил рақси» кўргазмаси очилди.

Унда 50 дан ортиқ суми-э рассомлик санъати асарлари намойиш этилди. Суми-э – бўёқ ёрдамида чизиладиган япон санъат асари ва бир пайтнинг ўзида медитациянинг ўзига хос фалсафаси ҳамда усули саналади. Шунингдек, уни чизиқлар санъати, деб ҳам аташади.

Кунчиқар юртнинг ўзига хос хаттотлик ҳамда икебана санъати асарлари кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. «Тирик гуллар» деган маънони англатувчи икебана санъати содда гўзалликни ифодалайди. Меҳмонларда япон миллий либоси – кимоно, айниқса, катта қизиқиш уйғотмоқда.

Япония маданияти кунлари доирасида яна бир қатор тадбирлар ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

ЎзА материали асосида.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ
АХБОРОТ–ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
«Norma» МЧЖ
«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР
Акмал НАЗАРОВ

Нашр учун масъул
Анвар АСРОРОВ

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ
Газета «Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖнинг компьютер базасида саҳифаланди

АХБОРОТ КЎМАГИ
ЎзА, «Туркистон-пресс» НАА

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100084, Тошкент ш., F. Мавлонов кўчаси, 1а-уй, 3-қават.
e-mail: info@banknews.uz
www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун 234-43-18 телефони орқали мурожаат қилинг.

Юридик шахслар учун нашр индекси – 102.
Жисмоний шахслар учун нашр индекси – 377.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади.

Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Буюртма № 2169
Адади: 8778 нусха.
Нархи шартнома асосида.
Газета А3 ҳажмда, 3 шартли босма табоқда чоп этилди.
Босишга рухсат этилди: 13.05.2015 й., 9.00.

«TOPRINT» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент ш., Миробод тумани, Толлимаржон кўчаси, 1/1-уй.